RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 7 март | 5 (222)- сон

ҲАРОРАТ ТИЛАСИМИ

Олам ҳарорат билан яшамоқ — яшнамоқ асосига қурилган. Ҳароратдан ҳаракат олади, унинг зарра-заррасигача. Ҳароратдан уйғонади куртаклар, у билан ёришади борлиқ. Қуёш атрофида парвонавор айланади сайёралар, ўзини қуёш ҳароратига солар, унга тобора яқинроқ бўлгиси келар уларнинг.

Оламни ҳароратида ушлаб туради офтоб, нур билан чулғайди оҳиста — ҳаёт беради шу сурат, сабоқ беради шу таҳлит. Тириклик нишони — ҳарорат, тангри иншо этди азалдан, Неки яратди ҳарорат билан боғлади уларни. У кўнглимизни-да бир оламсурат қилди, муҳаббатни қуёш тутди унга. Тангрининг жами синоатлари инсонни гўдакликдан бошлаб интиҳо нафасларгача муҳаббатга талпинтириб туради. Руҳимизга сингган бу талпиниш тарк этмагай уни абад оламида ҳам. Маъсум чақалоқ она ҳароратини туйиб оромлашганда қанчалар донишманд, қанчалар буюк ақл соҳибига ўхшар, чексиз борлиқ мувозанатини ундан ортиқ билгувчи бўлмас шу лаҳзаларда. Ваҳоланки, инсоният бу мувозанат сирларини мангу ўрганиб келади. Худо оламни нима билан тебратади — ўйланади одамзод. Нималар билан янглишсиз ҳаракатга келтиради ҳар жиҳат — изланади инсоният.

Ўн уч миллион аёл тебратади Ўзбекистон бешигини! Ўн уч миллиондан зиёд аёл ҳароратига чулғанган озод юртимиз бу замон, бу давронда. Ўзини шу ҳароратга тутиб Шарқ Шарқ бўлмиш азалдан. Ҳарорат бермиш — дунё аҳлининг кўнгил оламларига, шу ҳарорат билан тафаккур тилсимларини эритмиш. Куннинг ҳавоси келар, ҳур мамлакатнинг ўн уч миллион аёлига, Ҳар бирида ўн уч миллион кишининг бардоши бор десам ишонинг, боқинг яна рақамларга, соҳаларга: Зиёли касбини тутган, халқимиз маънавияти иқболига масъул қалб меъморлари, оғирдан-оғир экологик шароитда хаста жонлар малҳамига интилган табобат аҳлининг кўпчилиги мукаррам аёлларимиз. Бозор иқтисоди шароитида бозордан неча чақиримлар узоқ даларда меҳнат қилгувчиларнинг — юртга туз тутгувчи деҳқонларнинг улкан қисми аёллар... Ҳайратингиз ҳузурига яна не ҳисоблар келсун?! Ўн уч миллион аёл тебратаётир Ўзбекистон бешигини. Буюк ҳарорат билан ўсар истиқлол фарзандлари, соғлом ҳарорат билан соғломлашар келажак авлод.

Соғлом авлод йилининг баҳорий байрамларида қутлаб турибмиз сизни, сўзимиз ҳарорати-да ўзингиздан. Тангри суяр, олам суяр, одам севар сизни. Соғ-омонсизки, соғломдир авлод, буюкдир келажак!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин мўътабар оналар, мунис опа-сингиллар, муҳаббат маъбудалари, ҳарорат ҳурлари!

Дилором ҚЎЗИЖОН



БАҲСЛАР, ДАВРАЛАР

Жамият эркинлиги мезони — матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, тафаккур эркинлигидир. Мамлакатимиз Президенти ҳам катта минбарлардан ҳар доим фуқароларимизни ана шундай эркинликка даъват этадилар. Айниқса, бу борада жамиятимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни фаолликка чақирадилар. Чунки партиялар бу— турфа нуқтаи назарлар шаклланадиган, мукаммаллашадиган, ҳаракатланадиган майдон.

«Миллий тикланиш» демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган «Миллий тикланиш ва Ешлар тарбияси» мавзуидаги сиёсий-маърифий адабий анжумани ҳам айнан мамлакатимиз раҳбарининг даъватларига бир жавоб руҳида ўтди.

Партия ҳаёти

— Биз Ғарб ҳаётини тўлалигича ўзимизга андоза қилмоқчи эмасмиз. Аммо Ғарбда шундай бир ҳаёт тарзи борки, унга ҳавас қилмай бўлмайди. Масалан, бир умир француз тили бўйича мутахассис бўламан деса, у ҳамма ҳаракатини шу мақсадга бўйсундиради.

— Чинакам санъат одамнинг ўлаётган руҳини тирилтириши мумкин.

— Биз энди ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Сабоқ оламиз, ўрганамиз, таҳлил қиламиз, аммо ортга қайтмаймиз.

— Момоларимиз қизлар қалбини қўшиқлар билан тарбият этганлар. Эркалаб, севиб ўғилларига жасорат бахш этганлар. Эртаклар, достонлар билан улар кунглида орзу уйғотган.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ректори, профессор Ж. Буронов, Миллий тикланиш демократик партияси раиси, Олий Мажлис депутати И. Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоираси О. Хожиева, иқтисод фанлари доктори, профессор И. Абдуғаниев, «Ҳуррият» мустақил газетаси Бош муҳаррири Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом О. Қозоқов, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ижтимоий фанлар доценти И. Дилмуродов, шоира Қ. Раҳимбоевалар ана шундай фикрлар билан Ешлар даврасидаги баҳсни бошлаб бердилар.

Ешлар ва телевидение, Ешлар ва эркинлик.

Ешлар ва мафкура...

Талабалар ўз фикрларини дадил-дадил ўртага ташладилар. Саволлар бердилар. Анжуман ёшларнинг дадил, партия ҳаётининг яна ҳам жўшқинроқ тус олаётганлигидан дарак берди.

Шунингдек, яқинда М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам миллий тикланиш партияси раиси, Олий Мажлис депутати И. Ғафуровнинг университет талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда миллий ғоя, миллий мафкура, ёшлар ва миллий тикланиш мавзусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ДЕНГИЗ БЎЛИБ ЧАЙҚАЛГАН ЮРАК

Дунё қадим-қадимдан шарқ аёли, туркий аёлларни яхши таниган. Тарихнинг барча босқичларида улар дунёга ўзининг борлигини гоҳ мардлик, жасорат билан, гоҳ тадбиру оқилалик билан, гоҳ сиёсат, гоҳ шеърият билан билдириб, танитиб, тан олдириб келганлар. Тўмарис, Туркон хотунлар, Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим, Зебуннисо... Бу рўйхат учун Нодирабегимдан Қурбонжон Додхоҳгача, Дилшод Барнодан 1916 йил мардикор олиш қўзғолонларида фаол иштирок этган «болаларимизни бермаймиз» дея мустабидларга тош отган Рузвонбибигача...

Охирлаб бораётган асримизнинг 50—90-йиллари орасида ўзбек Аёли деган жуда кўп йўл босиб келаётган баланд, шонли исмни кўтариб юриш жаннатмакон устозимиз Зулфияхоним чекига тушди. Бу тасодиф эмас. Зулфияхоним ана шу масъулиятга, ана шу шарафга тайёр эди.

Халқ ўзи севган, ўзи ишонган кишиларга ўз номидан гапириш, ўз номидан хорижларга чиқиш ҳуқуқини беради. Халқ ҳар кимни яхши кўравермайди.

Зулфияхоним эл муҳаббатига, аёллар ишончига тасодифий бир ҳолатда муяссар бўлган эмас. Улар бу севгини ўзлари ҳам севиб-севиб қозонган. Опанинг ҳузурига олис қишлоқлардан юзлари қуёшда қорайиб кетган, ажинлари болалаган аёллар қўлларида гўдаги билан мадад сўраб келарди. Устоз уларнинг бошини силарди, юпатарди. «Йиғлама, сен кўз ёшингни бировга кўрсатма, ҳаёт заифаларни суймайди», дея уларга куч-қувват берарди. Ҳар куни устоз номига юзлаб хатлар келарди. Кимдир боласини ўқишга киритишга кўмак сўрар, кимдир уй масаласида ёрдам, яна кимдир шунчаки кўнглини тўкарди. Оилавий можаролар, севги-муҳаббат савдолари... Опа бу хатларни жуда диқат билан ўрганар ва имкон қадар, қўллари етганича ёрдам берарди.

«Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман», — дейди Зулфияхоним шеърларининг бирида.

Мен денгизнинг лабида турдим,
Денгиз бўлиб чайқалди юрак.

дейди яна бир шеърида.

«Юрак чақмоқ урган осмондай»,
«Сиз қуёшсиз, мен зиёнгизман».

Бу оловлар, бу тўлқинлар, бу чақмоқлар устознинг ёлғиз ўз қисматининг излари эмас. Халқ ҳаётига кирмаган, унинг оғриқлари, қувончларига жони билан туташмаган шоира бундай ёза олмайди.

Биз — устоз қўлимиздан етаклаб, керагида койиб, керагида эркалаб адабиётга олиб кирган қизларнинг юрагимизда «Зулфия қизлари» деган гўзал бир унвон бор. Бизга бу унвон насиблиги учун ёшлигимизда эшиклар осонроқ очилган, бизга қараган нигоҳларда ҳурмат зоҳир бўлган.

Мана, биз энди ўша меҳр-муҳаббатни соғинамиз.

Зулфияхоним овозларини, чиройли қарашларини, иссиқ қўлларини соғинамиз. Улар кирганда бир қалқиб тушадиган, ўзини ўнглайдиган даврларни соғинамиз.

Бу қўмсашни устознинг «Хотирам синиқлари», «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Ҳижрон» шеърлари тўлдирар, балки Президентимиз фармони билан адабиётимизга кириб келаётган янги Зулфия қизларининг кучли овозлари бу соғинчимизни босар. Балки, устозни кўрган кўзларимиз билан бир-бирларимизга термулиб, бу соғинчга малҳам топармиз. Нима бўлгандаям устоз айтган «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали» таскини билан яшаймиз.

Қ. РАҲИМБОЕВА

ҚУТЛИБЕКА

У ШУНДАЙ АЁЛ...

Соғинчнинг ўтли тили
Ялайди юрагимни.
Башорат — топқир билик,
Топиб бер керагимни.

У шундай аёл — сочи,
Бир эркакнинг титроғи.
Йўқ, шундай аёл — сочи,
Миллатнинг бир байроғи.

У шундай аёл — кўзи,
Бир эркакнинг чироғи.
Йўқ, шундай аёл кўзи,
Миллатнинг қўш маёғи.

У шундай аёл — юзи,
Бир эркакнинг моҳтоби.
Йўқ, шундай аёл — юзи,
Миллатнинг бир меҳроби.

Йўқ, шундай аёл ўзи,
Бир эркакнинг ўнг илки.
Йўқ, шундай аёл — ўзи,
Миллатнинг бутун мулки.

Шу аёлни истайман,
Танигандан тузимни.
Асли ўзим излайман,
Йўқолмаган ўзимни.

АЙНИ ДУШАНБАДА

ИККИ ОЁҚЛИ «КАЛАМУШ»

Одатда каламушлар ер тирнаб, ўзига бошпана қуришади. Кундалик луқмасини ҳам ер ковлаб, ўсимлик илдизию турли ҳашоратларни тутиш эвазига «ҳалоллайди». Э. А. ана шундай темир тишли «жонивор»лар қилиғини қилмоқчи эди. Нега деганда, у Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳудудидан ўтган 1700 метр узунликдаги диаметри 219 миллиметр бўлган темир қувурларни ердан қазиб олиб, уйга ташиб кетишга тараддуд кўраётганда Муборак тумани ички ишлар бўлими патрул-пост хизмати милиционерлари воқеа устидан чиқиб қолди. Э. ботинкаси учи билан ерни тирнаганча боши хам бўлди. Каламушлик одамнинг қўлидан келмаслигини кеч тушунди.

ГЕРОИН ХУШТОРЛАРИ

Ким учун райҳон аъло, ким учун эса... Хосият К. 138 грамм героинни елимхалтага жойлаб Қарши шаҳар, Пахтазор миттитуманида хиргойи қилиб юрганида вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув хизмати ходимлари унинг бежо ҳаракатидан «меҳмон»лигини сезиб қолдилар. Ёнидан топилган героинни базўр узатаркан, йиғлаб юборди. Ахир, бир чимдими олтин баҳосида бўлган гиёҳванд моддалардан ажралиб ўтирибди-я! Гулчеҳра А. «мижози»га 7,5 грамм героинни 60 минг сўмга пуллаётганда қармоққа илинди. Бир неча фарзандга бош бўлмиш бу кимсалар оналик номига доғ туширишдилар. Улар учун бундан ортиқ жазо ва иснод бўлмаса керак. Ҳар нимага хушторлик ёруғликка ўзини уриб ҳалок қилган парвонани эслатади.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
ИИВ Қашқадарё вилояти бўлими матбуот хизмати бошлиғи

СИРЛИ НАВОЛАР АТРИ

– Аёл қалби ҳақида қалбдан куйлайсиз, юртимиз аёлларини севасиз, севимлисиз.

– Аёл бошлаган иш фақат яхшигина эмас, намунали тугайди. Унинг нозик вужудида сабру тоқати каби енгилмас бир куч бор. Бу куч аёлнинг меҳридай ўз-ўзидан мавж олади. Аёл ҳамиша дарёланиб туради. Шу сирли қудратини қўшиқларга ўхшатгим келади. Давру давронларга қарайверсангиз, замонлар ошгани сайин аёл ўзига кўп мажбуриятлар олаётганини кузатасиз. Аслида бу мавжбуриятларни санаб чарчагулик, лекин жами фидойилик аёлларда – улуғради. Унинг азалдан бардоши баланд қўшиқ авжларидай сабри юксак. Шаҳди ёндими, ҳар қандай қийинчиликни қайиштиради. Давримиз, юртимиз аёлларини жондан севаман. Буни қўшиқларим ҳам айтиб туради.

– Юрт кезасиз, юртлар кезасиз, замонавий аёл таърифида не дейсиз?

– Замонга, ҳаётга етишиб юрган аёлни шундай тушунаман. Ҳатто замон изингизда юрсин аёллар, дегим келади. Аёл саранжомликка ўрганган: ҳар қандай ишни, масъул амалларни-да шу табиатидан келиб чиқиб ўрнига қўяди. Юракдан ишонаман уларга!

– Ижодингизнинг бу баҳорги гуллари, гулшанларидан гулгун хабар эшитгимиз бор?

– Ҳозир Пуччининг «Богема» операси устида ишлаяпмиз. Унда бош роллардан бирини ижро этаяпман. Наврўзга аталган бир қатор янги қўшиқларим тайёр бўлиб қолди. Апрел ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида катта концертимиз бўлади. Яқинда режиссёр С.Назармуҳамедов А.Ёқубхўжаев сценарийси асосида ижодим ҳақида «Муяссар» номли фильм-концертни суратга олди, бу халқимизга яна бир баҳорий гулдаста бўлажак.

– Бу юртимиз санъати тарихида опера артисти ижодига бағишланган биринчи фильм концерт, албатта. Самимий табригимизни қабул этгайсиз.

– Ташаккур, бу ҳам озодлигимиз насиб этган бир бахт.

– Байрам тилакларингиз?

– Аёлларимиз аслида ҳар кун, ҳар соат табриклашга муносиб ҳолатларни кашф этиб турадилар. Шу каби ҳар лаҳза табригимиз қўшиқлар бўлаверсин!

МИЛЛИЙ ҒОЯ НИМА?

«ҒОЯВИЙ СПИД»ГА ҚАРШИ «МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ»...

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН БЎЛСА...

УМУМИЙ ДУНЁҚАРАШГА АЙЛАНИШ ХУСУСИЯТИ НИМАДА?

БИЗГА ҚАЙСИ ҲАҚИҚАТЛАР КЎПРОҚ КЕРАК?...

2-бетда

Мадлен ОЛБРАЙТ:

БУВИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

— Мен яқинда буви бўлдим. Буви бўлиш ота бўлишга қараганда анча осонроқ экан...

ДАРВОҚЕ: Чехия президенти Ян Гавел Олбрайт хонимни Чехия республикаси президенти лавозимига номзодини қўйишликни таклиф этяпти. АҚШ давлат котиби Олбрайт хоним ўйлаб кўришга ваъда берди.

Борис ЕЛЦИН:

«ЯРИМ КЕЧА КУНДАЛИКЛАРИ»

АҚШдаги йирик Ню-Йорк нашриёти Россиянинг собиқ биринчи президенти Борис Елциннинг хотиралар китобини босиб чиқармоқчи. Асарни «Ярим кеча кундаликлари» деб номлашмоқчи.

РИМЛИКЛАРНИНГ ҲИММАТИ

Феврал ойининг ўтган якшанба кунларидан бирида буюк шаҳар Римда эрталаб соат олтидан кеч соат олтигача ҳеч кимнинг автомашинаси кўчага чиқмади. Фақат автобус, троллейбус ва таксилар қатнади. Шу якшанба куни римликлар уларда теп-текинга юришди. Шу куни Рим музейхоналарига кириш нархлари ҳам анча камайтирилди. Италиянинг яна бошқа 150 та шаҳарида шу якшанба машиналар қатнови тўхтатилди. Ҳамма гап шунда эканки, Италияда ҳар ойнинг бир якшанбаси кўкнинг озон қатламини сақлаш ва ҳимоя қилиш куни ҳисобланиб, бутун якшанба шунга бағишланади. Бир кунгина...

Лекин ўйлаб қарасангиз, табиат муҳофазаси учун оз эмас...

«МТ» хабарлар туркуми.

СЕВГИ, ҒУРУР УЙҒОТАДИГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Миллий ғоя ҳар бир миллатнинг орзу-армонлари, оғриқлари, интилиш, эҳтиёжларидан туғилади. Ва бу ғоя миллатнинг тафаккур тарзи даражасига қараб ўзгариб боради. Жуда узоқ йиллар бизнинг миллий ғоямиз — Озодлик бўлган. Бу ғоя тақдирига «босмачилар» деган тамға босилган миллий озодлик курашчиларида исён, қўзғолон тарзида намоён бўлган. Чўлпонда шеър тарзида, яна қайсидир бир қондошимиз, томиримиз, жигаримизда бошқача кўринишда яшаган. Ҳатто, миллий ғоя-эркка интилиш ҳисси ўзига хос бир шаклда кўринган. Масалан, улар урф-одатларимиз, қадриятларимизни имкон қадар асраб қолишга уринганлар. Бу қадриятлар топталганда, ерга урилганда юракларида ҳақорат, хўрлик туйғусини ҳис этганлар. Кўчага исён қилиб чиқа олмаса ҳам, ҳеч йўқ, юраклари оғриган, ҳеч йўқ, йиғлаганлар.

Миллий ғоя баъзи даврларда заиф бир ҳолатда кўринса, баъзан миллат тепасига байроқ бўлиб кўтарилади. Манглайида шиор бўлиб пориллайди. Одамлар ўша ғоя учун жонини беришга тайёр бўлади. Бу даражага эришган миллат кучли, жасоратли, маърифатли миллатдир.

Биз Озодлигимизнинг тўққизинчи йилида яшаяпмиз.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» Назаримда, бизнинг миллий ғоямиз меваси — ана шу истак. Биз ана шу истакни қаттиқ истаroom, ана шу истакни севишимиз керак. Миллий ғоя деган бироз сиёсий терминдай туюлади. Биздан ташқаридаги нарсага, сиёсатчилар шуғулланадиган майдоннинг нарсасига ўхшайди. Биз агар шундай тасаввур билан яшасак, миллий ғоя атамасига ўнғайсираб қарасак, унда буюк давлатчилик орзумиз ҳам орзулигича қолаверади. Ҳар биримизнинг юрагимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ғоянинг бир парчасига айланса, ўшандагина бу баланд даъват миллий ғоя даражасига кўтарилади. Бунинг учун шахсан мен бир фуқаро сифатида нималар қилишим зарур?

Мен ўзбек исмини севишга, уни бу ёруғ дунёда Тангри яратганидан қувонишга, ғурурланишга ўрганишим керак.

Мен Амир Темурдан сўнг ўша буюк давлатни парчалаган оғриқлардан оғриниб туриб: «Ҳа, энди бу хатолардан сабоқ олмоқ керак. Барибир Шоҳруҳ бор эди, Улуғбек бор эди, десам: Мирзо Бобурни, Акбарни ўйласам, ҳазрати Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро муносабатларидаги нурли нуқталарни ўйласам, ўша севги, ғурур юрагимда жонлана бошлайди.

Демак, менга бизга ҳақиқатни айтиб туриб, оғритиб туриб ҳам, севги, ғурур уйғотадиган ҳақиқатлар кўпроқ керак. Кинофилмларимиз, бадиий асарларимиз, ҳатто қўшиқларимиз асосини мана шу ҳақиқат кўтариб туриши зарур.

Миллий бирликсиз — миллий ғоя йўлини тусмоллаб босаётган йўловчи сўқир;

Жасоратсиз ғоя — чўри, қул;

Биз бу ғоя ҳақида ўйлаганимизда, унинг омади, бахти ҳақида қайғурганимизда ана шу хатарларни назардан қочирмаслигимиз шарт.

— Боғча хоналари, синфхоналари ва бошқа хоналарда «миллий бурчак» ташкил этиб, 2 та шоир сувратини осиб, атлас кўйлак кийган қўғирчоқни ё дўппи, чопонни қўйиб, ўзимиз нариги бурчакда ўзга тилда бемалол чуғурлашсак — миллий ғоя тушунчаси бир жойда депсиниб тураверади. Бу кулгили ҳол. Унга йўл қўйиб бўлмайди.

Икки қондош — икки қоракўз ариқдан ҳатлаётиб, бир-бирига қўлини узатмаса, сакраб ўтгани, сал мункиб кетганини дарров суямаса — миллий ғоя мажолсиз, кун кўрмаган майса, оқмаган сув;

Миллий ғоя мустаҳкамлиги учун миллатга зарар келтирувчи барча қабоҳатлардан воз кечиш керак. Шафқатсиз равишда воз кечиш керак.

а) ичкилик, гиёҳвандлик (бу миллатимизни жисмоний емирувчи офат);

б) турли ахлоқсизликларни восита қилган рекламалар, кино, клиплар (бу миллатимизни маънавий емирадиган бало).

Жамиятдаги адолат, сўз ва амал бирлиги, халқ ва ҳукумат ўртасидаги масофани имкон қадар қисқартириш — одамда ўз кучига, жамиятга ишонч уйғотади.

Бугунги миллий ғоя — фаровон, буюк давлатга интилишда ҳам ана шу ишонч жуда-жуда зарур.

Гапларим анча нотекис, бетартиб. Лекин мен буюк давлат бугуннинг миллий ғояси бўлишини излайман. Топмасам, ўзим бергим келади. Олишни истамаганларни қандай қилиб бўлса ҳам кўндиргим, шу йўлга киритгим келади. Чунки биз шу баландликка лойиқ халқмиз. Худо бизга ҳуш, ер, сув, ақл, ҳусн берган. Фақат ўзимизни жамлашимиз, кемтикликдан ор қилишимиз зарур. Худонинг Ўзи бизга ақл, ирода, жасорат берсин! Маърифатга мойил этсин!

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

МИЛЛИЙ ҒОЯ — ТАФАККУР МЕЗОНИ

Янги жамият истиқлол йўлларини белгилай боришда давримиз кишилари олдига тараққиёт ўзакларида турувчи энг муҳим саволларни қўймоқда. Уйғониш, тикланиш, тараққиёт, бир-бирига муштарак фикрлар уйғонди. Озод ғоялар тадбиқини, таҳлилини ҳаётимизда акс эттира бошлади. Кишиларимиз онгига, тафаккурига талпинаётган шундай порлоқ ғоялардан бири — МИЛЛИЙ ҒОЯ таърифида файласуфлар, олимлар, уни англаш-англатишни истаган фикри фаол кишиларимизни «Миллий тикланиш» даврасига чорладик. Миллий ғоя нима, у биздан қандай тадбиру тадқиқларни кутмоқда? Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида ҳам Президентимиз худди шундай саволларни ўртага ташлади. «Миллий тикланиш» партиясининг фаолияти асосида, ҳаракат мағзида миллий ғоя турар экан, бизни олий мақсадларга элтувчи, буюк келажакка муяссар этгувчи бу ёрқин ғоя ҳақида мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз. Газетамизнинг кейинги сонларида ҳам «МТ»нинг бу давра суҳбати давом этади.

МОҲИЯТ ВА МАҚСАД

Миллий мафкуранинг халқимиз миллий мероси, анъаналари ва қадриятларидан озиқланиши унинг асосий тамойилини белгилашини таъкидлаган ҳолда бу мафкуранинг янги жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш соҳасидаги вазифаларини ҳам эътиборга олиш лозим, деб ўйлайман. Менимча, ҳар қандай миллий мерос ва қадриятларнинг яратувчилик кучи ва янгиланиш салоҳияти ҳозирги давр жамиятига таъсир эта олиш даражасидаги руҳий қувватига эга бўлсагина унинг жозибаси, қолаверса, ўзига миллионлаб кишиларни қамраб олиш қобилияти сақланади. Шунинг учун ҳам миллий мафкура фуқаролик жамияти қуриш ва демократик қадриятларни халқ дунёқарашига сингдириш каби мақсадларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштира олиш даражасида бўлиши муҳимдир.

Ҳозирги даврда барча миллий давлатлар ўзларининг миллий манфаатларини демократик қадриятларсиз тушунишини тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, миллий қарашлар миллий уйғониш, ҳар бир инсон қадр — қимматини улуғлаш, эркин фикрлаш, фикрлар хилма — хиллиги ва улар ўртасидаги баҳс-мулоқотларни ривожлантиришсиз ҳам амалга ошгани тўғрисида мисоллар учрамайди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини ҳаётий жараёнга айлантириш билан ҳамоҳанг тарзда бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик тамойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, кўппартиявийлик тизимни демократик меъёрлар асосида такомиллаштириш каби долзарб вазифалар пайдо бўлди. Янги жамиятдаги бу омилларнинг барчаси ҳам умуминсоний қадриятлар, ҳам миллий қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда ҳозирги босқичда юртимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар авваламбор миллий манфаатларнинг ўзагини ташкил этади.

Бугунги кунга келиб илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида фуқаролик жамияти қадриятлари шаклланди. Шунингдек, бу мамлакатларда демократиянинг энг асосий устунлари — халқ ҳокимияти, ҳокимиятнинг фуқаролар манфаатлари асосида фаолият юритиши, сиёсий қарорлар қабул қилишда кўпчиликнинг иштирок этиши, озчиликнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, асосий инсон ҳуқуқларини амал қилинишига кафолатлар яратилганлиги, эркин ва адолатли сайловлар тизимини анъанага айланганлиги, қонуннинг барча учун тенглиги, одил суд ҳокимиятининг ўрнатилиши, ҳукумат ваколатларининг Конституция билан чекланганлиги, фикрлар ва дунёқарашлар плюрализми, турли хил қарашлар ва фикрларнинг ўзаро бир-бирига чидамли бўлиши каби қадриятлар ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, миллий маънавияти ва маданиятининг узвий ва ажралмас бўлакларига айланди. Албатта, бу қадриятлар XX асрда ўз такомилига етган, қадимги даврлардан бошлаб юксалиб келган маънавиятнинг сўнгги босқичи маҳсулидир. Улар адолат тамойилини ҳаётда амалга ошириш воситаси сифатидаги самарадорлиги, уларнинг инсон эркинлигини таъминлаш, жамият турмуш тарзини оддий фуқаролар хоҳиш-истагига жавоб бера оладиган даражага кўтара олиш қобилиятига эга эканлиги учун ҳам ҳозирги даврда миллий манфаатлар ва миллий иродани ифода этишнинг энг мақбул йўлига айланди.

Миллий мафкуранинг яна бир жиҳати — унинг халқ оммаси аксарият қисми дунёқарашига айлана олиш хусусиятидир. Мафкуранинг ҳар бир фуқаро эътиқодига ўсиб ўтиши учун унинг тизимида миллий мерос, маънавият, адолат тамойилларидан ташқари яна халқ манфаатлари ва унинг ўзига хос менталитетидан келиб чиқадиган келажак мақсадлари руҳияти ҳам ифодаланиши зарур. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи миллий мафкурамизда фуқаролик жамияти қуришнинг долзарб вазифалари, айниқса, жамиятни эркинлаштиришнинг асосий ғоялари билан уйғунлашишини тақозо қилмоқда. Бу йўналишда кўплаб етакчи хорижий мамлакатлардаги миллий мафкура билан либерализм ғоясининг синтезлашувига доир мавжуд анъана ва тажрибалар етарличадир.

Демак, миллий мафкуранинг моҳиятида ана шундай уйғунлик мақсадида тараққиёт мужассамлиги мавжуд.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсатшунос

Миллий ғоя ва мафкуравий тарбия ҳақида гап кетар экан, бир ҳолатга қайта-қайта диққатимизни қаратишимиз, чуқур таҳлил қилишимиз ва жиддий хулосалар чиқаришимиз зарур.

Нега айрим ёшларимиз ақидапараст кучлар таъсирига тушиб қолмоқдалар? Нима учун оила, боғча, мактаб тарбиясини кўрган, баъзан ҳатто олий ўқув юртларида ҳам таълим олган ёшлар қисқа, такрор айтаман, ниҳоятда қисқа вақт ичида ўз дунёқарашларини бутунлай ўзгартириб эл-юртига қарши қурол кўтариш, ота-онасидан воз кечиш даражасигача бормоқдалар?

Бизнингча, буни фақат ва фақат моддий сабаблар ёки ироданинг бўшлиги, онгнинг тўла шаклланмаганлиги билан изоҳлашга уриниш мавжуд муаммонинг туб моҳиятини

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ...

У ҚАНДАЙ ҲОСИЛ БЎЛАДИ?

хаспўслашдан бошқа нарса эмас. Тўғри, ақидапараст гуруҳлар тўрига юқоридаги сабабларга кўра тушиб қолганлар, жиноят содир этиб, ҳуқуқ-тартибот органларидан яшириниб юриб, ғоя учун «курашчи»ларга айланганлар ҳам оз эмас.

Аммо, муаммога жиддий ёндашиладиган бўлса, бирбиридан мураккаб, ечилиши ҳаёт-мамот масаласига дахлдор бўлган саволлар занжири туғилади: у ёки бу ёш қандай вазият ва шароитда шундай гуруҳлар тўрига тушиб қолмоқда? Улар ёшларда ўз қарашлари ва фаолиятларига нисбатан хайрихоҳлик туйғусини шакллантириш босқичида қандай «тарбиявий» усуллардан фойдаланмоқдалар? Ашаддий фанатикларни тайёрлашда қандай далиллар, ишонтириш тизими ва «тарбия» технологиясини қўлламоқдалар?

Бу саволларга жавоб топмас эканмиз, реал хавф сола бошлаган **ғоявий спидга** қарши **мафкуравий иммунитет** тизимини яратишимиз ниҳоятда қийин. Уларга эса жавоб топиш мумкин. Чунки, ана шундай «тарбия» кўриб жиноят йўлига кирган кўплаб ёшлар ушланиб ўз жазосини олди.

Ушбу ишлар бўйича материаллар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида мавжуд. Айни пайтда бундай «тарбия мактаби»ни ўтаган, аммо жиноят қилмаган ва Президентимизнинг халқимизга хос бағри кенглиги туфайли авф этилган ёшлар ҳам бор.

Шундай экан, таъбир жоиз бўлса, ўрганиш учун материал бор. Бизнингча, психологлар, файласуфлар, диншунослар, социологлар, ҳуқуқшунослардан иборат махсус гуруҳ тузиш ва улар ихтиёрига тадқиқ этиш учун ҳатто ёпиқ характердаги материаллар ҳам берилиши шарт ва зарур. Зеро, бундай гуруҳ юқоридаги каби «тарбияга» тортилган ёшларнинг психологик хусусиятларини, дунёқараши, диний билимларининг даражаси, уларга қандай ақидалар, қоидалар, тамойиллар қай тарзда сингдирилганлигини атрофлича ва чуқур ўрганиб аниқ хулосаларга келган ва конкрет тавсиялар ишлаб чиққан бўлур эди. Ва, энг асосийси, шундагина ўзимиз олиб бораётган ғоявий-сиёсий тарбиянинг камчиликлари ва уларнинг реал кўламини аниқ тасаввур қилишимиз, **мафкуравий хавфсизликни** таъминлашга қаратилган конкрет чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишимиз, мафкуравий тарбия йўллари воситалари, механизмларини тўғри йўлга қўйишимиз мумкин бўлади. Ана шундай йўлдан бормас эканмиз, экстремистлар фаолиятини қанчалик қораламайлик, фуқароларимизни нечоғли хушёр бўлишга чақирмайлик, булар умумий гаплигича қолиб, ёшларимизнинг ақидапарастлар домига тушиб қолишларининг реал хавфи сақланиб қолаверади.

Миллий ғоя, унинг кишиларимиз онгидан жой олиши ва фаолиятлари дастурига айланиши ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Яқин ўтмишда — реклама эндигина экранларни эгаллай бошлаган пайтда фарзандларимиз салом-алик ўрнига бирбирларига «айва»лашиб мурожаат қилганликлари ҳануз ёдимиздан чиққани йўқ.

Реклама экрандан кенг ўрин олган бугунги кунда эса фарзандларимиз у ёки бу мусиқа эшитилиши билан ойнаи жаҳонда қандай матн янграшини сўзма-сўз айтиб беришларини ҳар қадамда кузатамиз ва буни табиий ҳол деб қабул қиламиз.

Бундай ҳолат ортида ўзига хос санъат даражасига кўтарилган рекламанинг улкан таъсирчан кучи ётибди. Демак, ана шу қудратли таъсир қуролидан ҳам унумли фойдаланишимиз зарур. Бошқача айтганда, улуғ тарихимиз ва аччиқ тажрибаларимиздан сабоқ берадиган, мустақилликни асраб-авайлаш ва миллий ифтихор ҳиссини тарбиялашга кўмаклашадиган, эртанги кунимизга, буюк келажагимизга хизмат қиладиган ижтимоий реклама экранларимиздан кенг ўрин олишига эришмоғимиз лозим.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди

ЯНГИ ҚОНУН ЗАРУР

Яқинда «Ахборот» дастурида Наманганда вилоят Маънавият ва маърифат жамоатчилик Кенгаши очилиши тўғрисида маълумот берилди. Шунда мухбир «Биз ўзбекмизми, ё мусулмонмизми?» деган фикр ўртага ташланганини айтди.

Бу жуда жиддий факт. Ўзбекликдан мусулмончиликни устун қўйилса, бу диний ақидапарастликка яшил чироқ ёқиб қўйиш билан баробар. Ҳа. Биз ўзбек-мусулмон бўлишимиз керак. Ана шунда миллий бирлигимиз бирламчи аҳамият касб этади. Бизни бўлиб ташлашга қаратилган ҳар қандай диний таҳдидни синдира олувчи қояга айланади. Чунки биз — каммиз. Ўзбекистон ҳам — битта. Мусулмон ҳам, мусулмон мамлакатлари ҳам кўп.

Ўзбек характери масаласига илмий ёндашишимиз керакка ўхшайди. Чунки 150 йил сингдирилган мутеъликни ўзгартириш осон эмас. Мусо пайғамбар ўз миллатидаги қул характерини йўқотиш учун қавмини 40 йиллик синовдан ўтказди. Бу икки авлод алмашинувини англатади. Бизда бу муддатни ўн баробар тезлатишнинг барча имкониятлари бор. Ватан-ўзимизники, миллий давлат-ўзимизники радио, телевидение, газета-журналлар қўлимизда. Қолаверса, Маънавият ва маърифат Республика Кенгаши янгича, халқчил, оташин, ҳамма жойда ҳозиру-нозир тарғибот-ташвиқотга чоғланмоқда.

Ҳеч бир иш етти марта ўлчаб, бир кесилмаса, пишиқ бўлмайди. Етти марта ўлчаб бир кесиш бу — айни илмийликнинг ўзи. Демак, миллий ғоя, миллий мафкуранинг таъсирчанлигини таъминлаш миллатнинг характерини илмий ўрганишни тақозо қилади. Ана шунда миллий характернинг келажакда қандай вазиятларда қандай намоён бўлишини ишончли айтиб бериш мумкин.

Психогенетик тадқиқотлар (ҳатто эгизакларда ҳам) инсоний фазилат ва қусурлар — туғма эмас, ҳаёт давомида шаклланишини инкор эта олмади. Чунки одам боласи она қорнидан яхши ёки ёмон, ватанпарвар ёки манқурт, хушмуомала ёки қўпол, фидойи ёки боқиманда бўлиб туғилмайди. Яшаб, кўриб, эшитиб, тақлид қилиб ё уйғурга, ё грекка, ё ҳинд, ё французга айланади. Болани туғиб, боқиб, кийинтириб, саводини чиқариб, уйлантириб, уй қуриб бериш осон. Лекин ўз халқи, миллатининг юкини елкасига ўзи оладиган мард ўзбек йигит-қизларини тарбиялаш қийин. Бунинг учун катта маблағ эмас, катта ҳафсала, интизом, талабчанлик ва муҳаббат билан, **ҳар куни амалга ошириладиган миллий тарбия зарур.**

Ўзбек характери асрлар давомида стихияли (социализация таъсирида) шаклланиб келди. Бу ҳол яна давом этаверса, у ҳолда ислоҳотларнинг энг муҳим омили — **ИНСОН ОМИЛИ** ислоҳ қилинмай қолади. Иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар олға кетиб, ИНСОН ОМИЛИ орқада қолади. Оқибатда кучли давлатга зарурат сақланиб қолиб, жамиятни кучайтириш суст кечади. Афсуски, бунинг мисоллари учраб турибди. Икки қиёсий мисол: Тошкент. 1999 йил 16 феврал, соат 13лар чамаси.

Икки соат олдин ўзбек давлатига, миллат отаси — Президентга суиқасд уюштирилган. Бешёғоч бозоридан ўтишга тўғри келди. Манзара: Мусиқа варанг. Шашликхўрлар қизил, семиз юзларидан терни сидириб «оқидан» уриштиришяпти. «Тинчлик, соғлик, ишга барака» деб. Тинчлиги, соғлиғи, иши ва баракасининг кафолати бўлган мустақил давлатига душман чанг солди. Аммо улар портлашни бемалол муҳокама қилиб, тинчликни, барқарорликни қадаҳлар жаранги билан «ҳимоя қилишар эди».

1999 йил 11 май.

Югославиядаги Хитой элчихонаси ёнига бомба тушди.

Хитой шаҳарларида ўн минглаб аҳолининг норозилик намойишлари бошланди. Одамлар кўкракларига «Мен-нишонман! Мени от» деган плакат-расмларни ёзиб чиқишди. Бошқа мамлакатлардаги мусофир хитойлар ҳам шундай намойишлар уюштиришди. Хитойликларнинг миллий бирлиги, миллий орияти, сиёсий-мафкуравий бирлиги намоён бўлди. Миллий давлатчилик, ватанпарварлик, фидойиликни ўзида мужассам қилган Хитой миллий характери ўзини кўрсатди. Бу бирликка ҳавас қилиш керак. Ўзбек характерини миллат, давлат, Ватан шаъни дахлсизлиги учун истаган пайтда намоён бўладиган ишончли фазилатлар билан қуроллантириш керак.

Иймон ҳам, ватанпарварлигу миллий ғурур ҳам туғма эмас. У иймон, ватанпарварлик, миллий ғурурнинг қандай тушунтирилишига, қандай тушунилишига боғлиқ. Туғма бўлганида Соҳибқирон Амир Темурдек миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий бирлик ташкилотчиси ва рамзи, миллат дардларига дармон бўлган Буюк зотдан кейин ҳам Буюк Давлат сақланиб қолган бўларди. Афсуски томирларида Соҳибқирон қони оққан темурийзодаларнинг характерида Буюк Боболарининг миллий характери намоён бўлмади. Ўзаро тахт талашган оға-ини темурийзодалар боболари тузган давлатни парчалаб юбордилар. Шахсий манфаатлар миллий манфаатга зўрлик қилди

Таклиф: Депутатларимиз сайловолди дастурларида миллий маънавиятни, ёшлар тарбиясини янада такомиллаштиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, қонунлар яратишга ваъда берган эдилар. Ана шундан ва Президентимизнинг агар зарурат туғилса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига тузатишлар, тўлдиришлар киритиш лозим, деган фикрларидан келиб чиқиб, **«Миллий тарбия тўғрисида» қонун ишлаб чиқилиши лозим.** Бундай Қонун — механизмнинг яратилиши тарбиявий, маънавий-маърифий, миллий ғояни халқимизга сингдиришимизда аниқ натижага таяниб иш кўришни кафолатлаган бЗэди.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

ФАЛСАФАДАН НИМА ҚОЛДИ?

Тозаланаётган фалсафа: борини кўпайтиш лозим...

Ўтган йили атоқли олимлардан бири мендан «Фалсафа фани энди йўқ-ку, талабаларга нимани ўқитяпсиз? —деб сўраб қолди. Орадан бир неча ҳафта ўтгандан сўнг бошқа бир танишимни учратиб қолдим, табиий фанлар соҳасида тадқиқий ишлар билан шуғулланувчи бу киши ҳам менга худди юқоридаги саволни берди. Мен жавоб қайтардим. Шуниси қизиқки, иккала танишим ҳам менинг жавобимдан ҳайрон бўлишди. Албатта, тўқнаш келиб қолиб, савол берганлар тасодифий учраб қолган кишилардир. Аммо, маълумки, тасодифнинг ўзи тасодифан намоён бўлмайди. Ҳар бир тасодиф қонуниятнинг, заруриятнинг намоён бўла бошлашидир. Зарур, ҳамма вақт нарса бошланишида тасодифий ҳодиса орқали кўриниш беради. Шу фалсафий қоидага суяниб айтишимиз мумкинки, ҳозирги кунда фалсафа борми-йўқми, энди фалсафадан нима қолди, фалсафанинг келажаги борми, XX асрга хулоса ясаб XXI аср тўғрисидаги фикр юритар эканмиз, бундай саволнинг кўндаланг бўлиши табиий ҳол. Хўш, ҳозирги пайтда фалсафада содир бўлаётган ўзгаришлар нималарда кўринмоқда?

Биринчидан, 1991 йилгача бўлган «социалистик» мамлакатларнинг марксча-ленинча фалсафаси» билан «капиталистик мамлакатларнинг буржуа фалсафаси» ўртасидаги қарама-қарши мафкурага асосланган зиддият олиб ташланмоқда ва Ўзбекистон файласуфлари жаҳон файласуфлари «оила»сига қўшиляптилар. Уларнинг ўзаро алоқалари кенгайиб ва мустаҳкамланиб боряпти. Бу муносабатларни янада ривожлантириш, биринчи навбатда, жаҳон файласуфларининг асарларини ҳар томонлама ўқиш, ўрганиш имкониятига боғлиқ. Бунинг учун эса енгни шимариб чет тилларни, авваломбор инглиз тилини ўрганмоғимиз шарт. Ўтган саккиз йил ичидаги турли чет эл файласуфлари билан бўлган мулоқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон файласуфлари масалалар ва муаммоларни тушунишда, талқин этишда улардан ҳеч ҳам қолишмайди. Бизнинг энг заиф жойимиз чет тилларини билмаслигимиздир. Яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Сорос жамғармаси, Ўрта Осиё давлатлари маданият арбобларининг ассамблеяси, «Камолот» жамғармаси ва Ўзбекистон фалсафа жамияти томонидан ташкил қилинган халқаро анжуманда шу камчилигимиз кўзга ташланиб турди ва Ўзбекистон файласуфларининг мавқеи янада баландроқ бўлишига салбий таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, фалсафа соҳасида биз яна бир ғайри илмий қарашдан воз кечиб, умуминсоний нуқтаи назарларга ўтмоқдамиз. Бу туб ўзгариш шундан иборатки, марксча-ленинча фалсафани Марксгача бўлган фалсафага қарши қўйиш каби илмий такаббурликдан воз кечдик. Бу нарса ҳақиқий олим зотига муносиб иш эканлиги аллақачон ўз-ўзидан ойдин эди. Лекин ҳукмрон мафкура бизни «марксча фалсафа жаҳон фалсафа фани тараққиётида энг юксак нуқта» деб, ишонтирмоқчи бўлди. Ваҳоланки, марксча фалсафа жаҳон фалсафаси дарахтидан ўсиб чиққан мевасиз шохлардан бири, холос. У мева бермаганлиги ва бермаслигини кўзда тутиб, кесиб олиб ўтин қилмоқдамиз ва бу ўтиндан янги фалсафамизни ривожлантиришда фойдаланаяпмиз. Шу йўл билан биз Марксгача бўлган фалсафага манманлик билан қарашни хато деб билиб фалсафа тарихидаги ҳар бир тадқиқотчига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, у инсониятнинг билимсизликдан билимлиликка кўтарилишига хизмат қилган фидойи деб баҳолашга ўрганмоқдамиз. Бундай муносабат умуминсоний нуқтаи назардан ҳам, мусулмончилик нуқтаи назаридан ҳам тўғридир.

Ҳозирги замонда фалсафа борасидаги учинчи ўзгариш шундан иборатки, материализм билан идеализмни фалсафий дунёқарашнинг энг асосий икки тури ёки шаклини бир-бирига қарши қўйиш — фалсафий тафаккурни бўғувчи ақидалардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Масаланинг моҳияти ким материалист, ким идеалистлигида эмас. Масаланинг моҳияти файласуфнинг таҳлил кучи ва далиллари ишонарлилигидадир. Чунки, бизнинг фикримизча, соф ва изчил идеалист бўлиш нақадар хавфли бўлса, худди шу даражада материалист бўлиш ҳам хатарлидир. Нима учун? Чунки ҳаётимиз бир жиҳатдан моддий ва иккинчи томондан эса маънавий руҳий асосга қурилган. Материализм билан идеализм ўзаро чамбарчас боғлиқ ва айни вақтда бири-бирини инкор этади. Шу боисдан уларнинг орасидаги фарқ ўта юпқа ва нозикдир. Ўтмишда бу диққатга сазовор омилларни инобатга олмай, биз фалсафа фанини ва унинг имкониятларини ниҳоятда чеклаган эдик. Бу— бизнинг истибдод даврида барча жиҳатлардан ривожланган давлатлардан орқада қолиб кетишимизнинг «назарий асослари»дан бири бўлди.

Албатта, бу ерда биз истибдод даврида орқада қолиб, ривожланган мамлакатлар илгарилаб кетган бўлса, улар қайси, фалсафий қоидаларга суяндилар, деган савол туғилиши муқаррар. Бу тўғрида сўз бошлаш ва тугатиш қийин. Фақат гап орасида айтиб ўтиш мумкинки, ривожланган давлатларда Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган ярим асрда кўплаб фалсафий оқимлар, йўналишлар ва мактаблар пайдо бўлди. Уларнинг асосийлари неопозитивизм, экзистенциализм, неотомизм ва уларнинг турли майда «шохча»ларидир. Қисқа қилиб айтганда, бу уч йўналишнинг мавқеи ўсишининг сабаби, неопозитивизм фан ва техниканинг янги муваффақиятларини илмий далиллар асосида исбот қилиб, уларга йўл очиб берди; экзистенциализм ва неотомизм эса фалсафанинг диққат марказида инсон, унинг қисмати, ҳаёти, қийинчиликлари бўлиши кераклигини, инсон зоти техника даврининг асири ва қурбони бўлишига йўл қўймаслик керак, деб майдонга чиқди. Марксча-ленинча фалсафа ҳам бу фикрларни айтарди, лекин улар қоғозда қолиб кетаверар эди, чунки мафкура фандан юқори турарди.

Ниҳоят, фалсафадаги тўртинчи ўзгариш эса жаҳон олдида Ўрта Осиё фалсафасининг буюклигини, бойлигини, бутун дунё аҳамиятига эга фалсафа эканлигини очиб бераётганимиздир. Ўрта Осиё фалсафаси ҳақида авваллари ҳам гапирилган ва ёзилган. Аммо, бу фалсафанинг тўқсон фоизи халқдан ва тадқиқотчилардан беркитилган, сир сақланган. Бунинг икки сабаби бор эди: биринчидан, бу фалсафа диний мазмунга эга ва шу боисдан илм-фанга зид; иккинчидан, халқнинг диққат-эътиборини ўтмиш даврларга эмас, келажакка, коммунизм қурилишига қаратмоқ керак эди. Ундан ташқари, раҳбар ташкилотларнинг марказдан берилган махфий кўрсатмасига биноан, фақат ғарб энциклопедияларига киритилиб, жаҳонга кенг таниқли бўлган файласуф аждодларимиз ҳақидагина сўз юритиш мумкин эди холос. Янгиларини қидириш, топиш ва таҳлил этиш таъқиқланган эди.

Мақсад маломатмас, моҳият!

Диний фалсафамизнинг ўзига яраша икки устунлиги мавжуд. У биринчидан, ақлни, тафаккурни кундалик машқ-ўқув асосида нақадар ўткир қилиб чархлаш мумкинлигини кўрсатади. Иккинчидан эса, ўзининг панд-насиҳатлари билан жамиятда, инсонлар муносабатида, оилада, давлатда тинчлик, барқарорлик ва аҳиллик таъмин этилишига катта таъсир кўрсатади. Диний фалсафанинг мақсади Тангри таологa яқинлашиш, ақл кучи билан Яратгувчини янада чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Бунинг учун эса, тинчлик ва барқарорлик бўлсин, дейди дин аҳли.

Давлатимиз пойтахтида Ислом университети очилди, ислом тадқиқот маркази ишламоқда, Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти ва Шарқшунослик олийгоҳи, мадрасалар, мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Ўтмишда ислом дини Арабистон ярим оролида шаклланган, лекин назарий жиҳатдан Ўрта Осиё мутафаккирлари томонидан асосланган. Шундай экан, нега Ўзбекистонимизда ислом динининг ҳозирги замон шароитларига мос равишда назарий ва амалий жиҳатларини ёритадиган ва асослайдиган марказ бўлиши мумкин эмас? Истиқболимизда шундай ният ва шундай мақсадни кўзда тутмоқ зарурдир. Бизнинг бу олижаноб ниятимиз ва мақсадимиз мустақил Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг инсоният олдида мусулмон олами олдида улкан тарихий хизмат бўлажак. Бунинг учун эса енгни шимариб, бажараётган ишимиз ҳеч бир инсон томонидан рад этилмаслиги ва қораланмаслигини инобатга олиб, ғайрат ва шижоат билан ислом динини, инсон фазилатларини, жамият манфаатларини улуғлаган мутафаккирларимизнинг асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш уларнинг ўлмас ғоялари билан жаҳон фалсафасини бойитиш Ўзбекистон файласуфларининг халқимиз олдида, фалсафа фани олдида ва инсоният олдидаги муқаддас бурчидир. Демак, борини кўпайтириш керак, фалсафанинг асл мақсади — шундан иборат.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Хотира ўлмасдир, хотира мангу

ТОЛЕСИЗ ЮЛДУЗ ҚИСМАТИ

НЕГА БИР АЁЛНИ ШУНЧА ЭЗДИЛАР?

1920 йилнинг 27 апрелида Хоразмда халқ қурултойи чақирилиб Хоразм халқ Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Шўро ҳукумати сиртдан республикани тан олгандай кўрингани билан аслида уни йўқотиш пайига тушди. Шу боис фитна устига фитна уюштирида бошланди. Бу фитналар Республика Ички ишлар нозири мулла Жуманиёз Султонмуродовни ҳам четлаб ўтмади. Туркистон мустақиллигининг тарафдори бўлган бу инсон, дастлаб фитна ва бўҳтонлар ёрдамида ҳукуматдан четлаштирилди, сўнгра қамоққа олинди. Дўстлари ёрдамида у ердан қочган мулла Жуманиёз бир йил мобайнида ҳукуматдан яшириниб юрди, кейинчалик эса яна халққа сидқидилдан хизмат қила бошлади. Лекин душман алдаган эди. Мулла Жуманиёз Султонмуродов ғанимлари томонидан 1926 йилда отиб ўлдирилди.

Нозир қамалмасдан олдин 1922 йилда қизи Марямни халқ ва ватан манфаати унинг ёркин келажаги йўлида ҳақиқий зиёли инсон бўлиб етишишини орзу қилиб Олмонияга ўқишга юборган эди. Уч олти ёшли маъсума юраги завқу шавққа тўлиқ Марям ҳали дунёда ўзига қора ният билан тикилиб турган одамлардан бехабар бўлган ҳолда – отасининг орзуларини рўёбга чиқариш ниятида Олмонияда олти йил таҳсил олди. Ниҳоят, 1928 йилда Тошкентга келиб бу ерда ўн йилдан ошиқроқ вақт турли маҳкамаларда масъул вазифаларда хизмат қилди. Жумладан, «Гулистон», «Ёркин турмуш» (Ҳозирги «Саодат») журналларида адабий ходим, мухбир бўлиб ишлади. Орзулари рўёбга чиқаётгандай эди. Бироқ минг афсуски, Марямнинг тақдири ҳам худди отасининг тақдири сингари бирдан чаппасига айланиб кетади. У «халқ хоини» деб қораланган шахснинг қизи сифатида ва Олмониядаги «Озод Туркистон» ташкилотининг аъзоси, «миллатчилик ғоялари тарғиботчиси» деган айб билан 1937 йилда қамоққа олинди. Нафақат у, балки Султонмуродов фамилияли барча қариндош-уруғлари бирин-кетин таъқибга олина бошланди. Натижада, укаси Иброҳим мислсиз қийноқлар натижасида охири ўзини-ўзи отиб ўлдиришга мажбур бўлди. Қийноқлардан юрак олдириб қўйган кўпчилик қариндошлар фамилияларини ўзгартириб шу йул билан жон сақлашга ҳаракат қилдилар.

1947 йилда жазони ўтаб бўлиб, Хоразмга, туғилган қишлоғи Чандирқиётга қайтиб келган Марямхоним 1949 йилнинг 29 мартида яна ҳибсга олинади. Уни қайта ҳибсга олиш ҳақидаги ҳукм Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қумитаси ҳужжатгоҳида сақланади. Унда шундай ёзувлар бор: «1949 йил 29 мартида Урганч шаҳар НКВД Хоразм вилоят бўлими ходими Полнер ва Несаевларнинг М. Султонмуродовани ҳибсга олиш ҳақидаги қарори:

М. Султонмуродова 1922-28 йилларда Германияда ўқишда бўлганида машҳур миллатчи муҳожирларнинг йўлбошчилари Мустафо Чўқаев ва Олимжон Идрисийлар томонидан тузилган ҳамда раҳнамолик қилинган миллатчи жосуслар ташкилоти бўлган «Озод Туркистон» ташкилотининг аъзоси бўлган.

1927 йилда Султонмуродова кейинчалик советларга қарши миллатчилик фаолияти учун ҳукм этилган ва отиб ташланган Хайринисо Мажидхонова билан бирга Берлиндан Парижга боришган. У ерда машҳур миллатчилар Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Нўиимлар билан учрашувда бўлганлар. Баён этилганларга асосланиб, Урганч район Янгибозор қишлоқ шўросида ишлаб ва яшаб турган М. Султонмуродова ҳибсга олинсин ва уйи тинтув қилинсин.

Ана шу тариқа у қилмаган гуноҳи учун Красноярскка сургун қилинади. Бироқ қатағонлик йилларининг қийноқли, азобли кунлари ҳам бу мушфиқ аёлнинг иродасини буколмайди. Октябр тунтарилишидан кейин шафқатсиз қатағонларда нафақат Султонмуродова, унга ўхшаган миллионлаб фидойи инсонларнинг ҳам тақдири шундай кечди. Ўзбекистонда фаолият юритган шафқатсиз «учлик»(Тройка) чиқарган қарорлар натижасида 18 минг 652 нафар элдошларимиз бегуноҳ бегуноҳ шаҳид бўлиб кетдилар.

Марям Султонмуродова 1954 йилда юртига қайтиб келди. Бироқ умрининг сўнгги дақиқаларига қадар унинг кўнглидаги ижодий армонлари сароблигича қолаверди. Унинг пойтахтда яшаши таъқиқлаб қўйилди. Таҳририятларда ишлашга рухсат беришмади. Шундай бўлса-да у элига хизмат қилишга куч топа билди. Қишлоқ тиббий хизмат кўрсатиш марказида ҳамширалик қилди.

М. Султонмуродованинг ҳақиқий меҳнатлари истиқлол туфайли ўз қадрини топди. 1995 йилда унинг 90 йиллик таваллудини (вафотидан кейин) кенг нишонлаш мақсадида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими Урганч туман ҳокимлиги билан биргаликда қарор чиқаришган эди. Ана шу қарорга асосан кўпгина жойларда Марямхонимнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб тадбир ва кечалар ўтказилди. Унинг эски ўзбек ёзуви ва рус тилида ёзилган қўлёзмалари тўпланиб, таржима қилиниб китоб ҳолида чоп этилди. Жабрдийда аёл умрининг охиригача пойтахтдаги улкан адабий муҳитга қайтиб ишлаш орзуси билан яшаган. Гарчи бу орзулари сароблигича қолиб кетажагини ҳис этса-да, сафдоши Саодат Шамс ва атоқли шоира Ойдин Ҳожиеваларга тез-тез хатлар жўнатиб кўнглини бўшатиб турган. Балки шу орқали ўзини овутгандир. Мана унинг Саодат Шамс билан ёзишган мактубидан намуналар:

«Салом азизим ва қадрдоним Саодатхон! (У киши ҳозирда марҳум, ўз вақтида «Саодат» журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаган). Соғ-саломат ўйнаб-кулиб юрибсизми? Ижодингиз ҳам кундан-кунга гуркирамоқдами?

Мендан сурасангиз, мен яна ўша-ўша журналистик фаолиятимни жамоатчилик асосида давом эттира бошладим. Эндиликда ёзган мақолаларим «Хоразм ҳақиқати» ва район газеталарида чоп этилмоқда. Юрагим озгина бўлса-да таскин топмоқда. Шунданми, негадир кейинги пайтларда мен учун кечаю кундузимнинг фарқи бўлмай қолди.

Яна шуниси қувончлики, икки йилдирки (1963-1965 йиллар) жамоа ҳужалигимиз тарихини ёзиб юргандим. Якинда уни ёзиб тугалладим. Ҳужалигимиз раисига маъқул бўлибди. У менга бутун қишлоғимиз одамлари олдида миннатдорчилик билдирди. Ижодкорнинг қалбига яхши сўз туганмас куч-қувват ва илҳом бахш этар экан. Эндиликда менинг ҳам қалбимда ана шу ҳис-туйғулар тўлиб-тошиб мени ижод қилишга ундамоқда. Аниқса, вилоятда чоп этилаётган газеталарда ёзган мақолаларим чиқаётганлиги юрагимга завқ-шавқ бағишламоқда.

Дугонажон, ўзингиз биласиз, менинг юрагим ижод қилиш туйғуси билан тирик. Халқим ғаму ташвиши ва қувонч-шодлигини тараннум этиш менинг қалбимда бир неча йилдирки, армонга айланиб келганди. Эндиликда мен бутун қолган умримни ана шу армонларимни рўёбга чиқариш учун сарфлажакман. Худо умр берса, вужудимдан рух ўзини тарк этгунга қадар ана шу эзгу мақсад йулида жонимни фидо этажакман.

Саодатхон, эсингиздами Ойдинхоннинг (Ойдин Ҳожиева назарда тутилган) иккимиз севиб ўқийдиган «Армон бўлиб қолди» шеърида шундай мисралар бор эди:

Инсон шундай бир юлдуз
Изсиз кетмас учса ҳам.
Ҳаётдан, муҳаббатдан
Нишон бўлиб қолар у,
Ҳеч бўлмаса бир қалбда
Армон бўлиб қолар у...

Ким билади, бир кунлар келиб қайсидир инсон, балки, келажак ёш авлод ҳақиқатнинг илдизини топса бизни эслаб қолар... Негадир мудом юрагимдан ана шу ҳис-туйғулар нарига кетмайди. Ишқилиб бу армонли дунёда номимиз яхши инсонлар қаторида тилга олинса, бас эди.

Салом билан
МАРЯМ
1966 йил 20 октябр»

Дарҳақиқат, Марямхоним Хоразмнинг илк зиёли аёли, журналисти эди. У ҳали навниҳолгина қизалоқлик чоғидаёқ Хоразм халқ Республикаси Ҳотин-қизлар кенгашига раислик ҳам қилганди. Унинг бор-йуқ айби чет элда ўқигани, отаси эркпараст бўлганидир. Шу боис ижодининг энг гуллаган даврини турмаларда кечирди. Ахир 16 йиллик туткунликнинг машаққату хўрликларига чидашнинг ўзи бўладими?! Азобларга чидашга бу муштипар аёл тузиму иродани қайдан топа олган экан?! Балки юрагида жўш урган адолатга, дардга айланган ижодга чанқоқлик унга сабот ва чидам ато этгандир.Унинг орзулари ниятлари рўёлигича унинг ўзи билан азобларга тўла ўткинчи дунёни барвақт тарк этди. Марямхоним мустақилликкача етолмади. Бироқ халқи унинг руҳини ҳурмат қилиб ҳамиша эъзозлайди. Унинг табаррук номини ёш авлод чуқур эҳтиром билан эслаб тилга олади. Зеро, у ана шундай эътибор ва ҳурматга сазовор аёлдир!

Шарқия ИСКАНДАР қизи,
Эрпўлат БАХТ

АҲОЛИШУНОС ОЛИМ ВА УНИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Инсонлар бўлади ўзининг бутун умрини илм-фанга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга, миллат хизматига бағишлайди

Умрлар бўлади, унга ҳамма ҳавас қилади, ўрнак ва ибрат олади, фарзандларига яхшилик тимсоли қилиб кўрсатишади.

Озод ака ҳам шундай хислатларни ўзида мужассамлаштирган, маданиятли, билимдон ва меҳрибон инсондир.

Ота-Мирзаев Озод Бобо-Мирза ўғли 1939 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди.

Унинг меҳнат фаолияти 1998 йилгача ТошДУ, (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) география факультетида ўтди. Бу ерда у катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, илмий тадқиқотлар лаборатория мудири, профессор,: кафедра мудири лавозимларида ишлаб келди. 1998 йил март ойидан шу кунгача «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Номзодлик диссертациясини 1967 йили Ленинград молия-иқтисодиёт институтининг аспирантурасини тугатиб ёқлади, докторлик диссертациясини эса 1986 йили ўша ерда ҳимоя қилди.

Озод Ота-Мирзаев республикамизнинг кўзга кўринган етук иқтисодий географи, демографи, социолог олими сифатида танилган ва бу фанларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келган ва келмоқда.

Айниқса, ижтимоий-иқтисодий география фани ва унинг тармоқлари бўлмиш «Аҳоли географияси» ва «Геоурбанистика» фанларининг республикада шаклланишида ва ривожланишида устознинг хизматлари каттадир.

Озод акани мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам, кўзга кўринган демограф, ҳамда урбонолог олим сифатида танишади.

Унинг илмий-тадқиқот изланишлари бевосита Ўзбекистон ва Ўрта Осиё аҳолисининг ривожланишига бағишланган, бу соҳада у 200га яқин илмий ишлар ёзган. Бир қатор тадқиқотлари чет мамлакатларда босилиб чиққан. («Лондон, Нью-Йорк — 1992, Истанбул — 1995, Дели-Ҳайдаробод — 1976, Женева — 1982, Варшава, Лейпциг — 1978 йил ва ҳ.к.).

Озод аканинг анжуманлардаги маърузалари ва чоп этилган мақолалари чет эл ҳамда республикамиз аҳолишунос олимлари томонидан жуда юқори баҳоланиб, катта илмий мунозараларга сабаб бўлган. Ҳақиқий олимнинг илмий ғоялари ўлмайди дейишади. Озод акани том маънода аҳолишунослик фанидаги ҳозиржавоб, қўрқмас ва жасур ғоялар ва илмий концепцияларни ўртага қўйган десак муболаға бўлмайди. Ўтган даврларда турли илмий анжуманларда баён этилган республикамиз аҳолисининг ривожланиш муаммоларига бағишланган илмий ғоя ва концепциялари ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Олим аҳолишунослик фанлари йўналишларининг муаммоларини ўз вақтида илғаб, илмий анжуманларда, республика доимий матбуотида уларни ривожлантириш зарурлигига биринчилардан бўлиб эътиборни қаратди.

Профессор ота-Мирзаевнинг республикамизда «Аҳоли географияси» эндигина вужудга келиб, тараққий эта бошлаган 1970 йилдан буён чоп эттирган илмий мақолалари ва монографиялари, кейинчалик йиллар ўтиб шу фаннинг баъзи тармоқлари ривожига асос бўлган.

Ўша йиллари республикамиз матбуотида шаҳарлар географиясига, аҳолининг демографик ривожланиш муаммоларига, шаҳарлардаги демографик вазиятга бағишланган биринчи илмий мақолалар пайдо бўла бошлади.

1965 йили Озод Ота-Мирзаев республикамизда биринчилардан бўлиб «Фарғона водийси шаҳарларини тавсифлаш тамойиллари ва ривожланиш муаммолари» мақоласини чоп эттирди. Кейинчалик ушбу йўналишни янада ривожлантириш, унинг якуни сифатида 1979 йили «Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации» деб номланган илмий монографияси нашрдан чиқди.

Озод Ота-Мирзаев республикада геоурбанистика фанининг илк асосларини яратишга ҳисса қўшди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин олимнинг ҳозиржавоблиги янада ортди. У чет мамлакатлар матбуотида, радио эшиттиришларида ва телевидение кўрсатувларида республикамизнинг аҳоли муаммоларига доир баъзи илмий асосланмаган чиқишларга мақолалари, олимона асосли сўзи билан жавоб берди. Бу жиҳатдан унинг (шогирди профессор Қаюмов билан) «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган «Туркистон аҳолиси» (уйдирма ва ҳақиқат)», 1992 йил, 10-сон) «Аҳоли миллий сиёсати нима?» (1993 й., 12-сон) каби мақолалари эътибор қозонди. Олимнинг Ўзбекистондан кўчаётганларнинг сабабини нотўғри талқин этган айрим Россия олимларига жавобан «Миграция ва провокация» («Правда Востока», 1993 й.) мақоласи эълон қилинди.

Озод Ота-Мирзаевнинг саъйи-ҳаракатлари билан республикамизда миллий аҳоли сиёсатининг илмий-амалий асослари яратилиб, у тобора ривожланиб, мукаммал фанга айланмоқда. Бу жиҳатдан олимнинг «Миллий аҳоли сиёсати» («Миллий тикланиш» газетаси, 1997 й.) ва «Ўнта бўлса ўрни бошқа» («Ватан» газетаси, таниқли журналист Р. Қучқор билан суҳбат) сингари чиқишлари республика жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Озод Ота-Мирзаевдаги кузатувчанлик, воқеалар ичидан энг характерли жиҳатларини ажратиб олиш, ҳатто бир қарашда аҳамиятсизроқ бўлиб кўринган ҳодисалардан ҳам илмий хулоса чиқариш, уларни фактик материаллар билан мустаҳкамлаш, воқеаларга турли фанлар нуқтаи назаридан ҳам ёндошиб кутилмаган фикрларни илгари суриш унинг олимлик иқтидорининг ўзига хос белгиларидир.

Олим аҳоли географиясининг барча тармоқлари, жумладан, шаҳарлар географияси («геоурбанистика») аҳоли манзилгоҳлари географияси, аҳоли миграцияси, демография ва демографик сиёсат, этнодемография, медицина географияси, аҳоли менежменти, меҳнат ресурслари ва бозор иқтисодиёти, геодемография, социология соҳаларида келажаги порлоқ илмий йўналишларни қўллаб-қувватлаб, ўзи ҳам мазкур соҳаларни жонлантириб келмоқда.

Озод ака - моҳир педагог, тарбиячи, меҳрибон устоз, у юқори илмий методик савияда ўтади. Домланинг маърузалари давр талабига жавоб беради, муаммолар қўяди, уларнинг ечимини қидиради, фикрнинг теранлиги, соддалиги билан ажралиб туради.

Устознинг ёшларга муносабати юқори даражадаги маънавият эгаси эканлигидан бир нишонадир. Илм-фан чўққиларини кашф этишга интилаётганлар учун жуда талабчан, айни пайтда жуда ҳам меҳрибондир. Шу пайтгача ёш изланувчан олимлардан бегараз ёрдамини аямасдан келяпти. У ёшларни илмий тадқиқотлар олиб бориш, изланишларга қизиқтира олади.

Шогирдлари профессор Абдуҳаким Қаюмов, Мамлакат Бўриева, Гули Хожаева, Рустам Ортиқбоевлар аҳолишуносликнинг турли илмий соҳалари бўйича муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Озод ака моҳир жамоатчи, ташкилотчи ва амалиётчи ҳамдир, у илмий педагогик фаолиятини ҳамиша жамоатчилик ишига боғлаган ҳолда амалга оширмоқда. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон «Билим» жамияти ва Ер ҳақида фанлар илмий методик кенгашининг илмий котиби вазифасини бажарди. Тошкент Давлат университети ёш олимлар кенгашининг ташкилотчиси ва биринчи раиси, Ўзбекистон Ёшлар ташкилоти қошидаги ёш олимлар кенгашининг раиси бўлди. У ЮНЕСКО Ўзбекистон Миллий комитетининг «Инсон ва биосфера» (МАБ), МОСТ (гуманитар муаммолар бўйича) Ўзбекистон Миллий қўмиталар бўйича раис ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича илмий методик кенгашининг раиси, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация Комиссиясининг Илмий Кенгаши аъзоси (ВАК), халқаро географлар, демографлар, социологлар илмий уюшмаларининг аъзосидир.

1995 йилдан «Миллий тикланиш» партияси аъзоси, 1995-1999 йилдан Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани партия Кенгашининг раиси, 1999 йилдан партия Марказий Кенгаши котиби.

Озод ака меҳрибон оила бошлиғи. Рафиқалари Эльмира Ота-Мирзаева нафақада, узоқ йиллар Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги олийгоҳида ўқитувчилик қилганлар. Фарзандлари Шерзод иқтисодиёт университетини тамомлаган. Яқинда Японияда бўлиб, ўз малакасини ошириб қайтди. Қизлари Нодира иқтисодиёт университети аспиранти. Кичкина қизлари Камолахон эса мактабда аъло баҳоларга ўқимоқда.

Олим шу кунларда аҳоли ва унинг мунозарали муаммолари, кўчиш, унинг ички ҳамда ташқи сиёсатига таъсири, миллатлар ва халқларнинг юзага келиши, ривожланиши, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий масалалари каби долзарб мавзулар устида ишламоқда. Унинг бутун уй-хаёли, орзуси истиқболга отланган. Шундай ғайрат, самара ҳамиша биз шогирдларга ҳам ёр бўлсин.

Зокир РАЙИМЖОНОВ,
география фанлари номзоди

Тикланиш одамлари

ЙИГИТЛАР КЎНГЛИГА ШИЖОАТ СОЛИБ...

«Миллий тикланиш» таҳририятига!

Қашқадарёлик ижодкор, мактаб директори Абдунаби Абдиевнинг «Халқона» туркумида битилган «Йигитлар кўнглига шижоат солиб» сарлавҳали мақоласини, агар лозим топсангиз, газетангизда чоп этиш учун тавсия қилмоқдамиз. Биз «Меҳригиёҳ»да муаллифнинг ижодидан Наврўзга бағишланган бошқа намуналарни эълон қилдик. Фикримизча, муаллифнинг фикр-мулоҳазаларида ўзбекона миллий туйғулар халқ йўлларида ифодаланган.

Сизга ҳавола этилаётган ушбу мақола маънавият, инсоний фазилатлар хусусидадир.

Мақсуд ҚОРИЕВ

Бу элнинг шижоати шер ҳушини олган, тантиликда Хотамтойга монанд, суҳбат матойибасида Алдаркўсага улфат йигитлари, ҳам уларга ҳамроҳи дил, булбулзабон бахшиси бор эди...

Узун қиш кечалари қўрга олов қаланур, гап-гаштак авж олур, бир асл ўтириш қурилур эди.

— Бахши бобо, қўшиқ ўз йўлига, бизга савоб нелигини баён этиб беринг, — дейишибди йигитлар кунлардан бир кун.

Бахши дўмбирасини «диринг-диринг» чертибди, овозини жўр этибди, кўзларини хиёл қисиб айтаберибди:

Савоб — яхшилик қиб юзга солмаслик,
Савоб — гуноҳ ишдан фориғ бўлмоқлик.
Савоб — яхшиликка ёйиб дастурхон,
Нокас таомига қўл узатмаслик.
Савоб — бир ночорнинг қорнин тўйдириб
Етиму-есирнинг бошин силамоқ.
Савоб — фойдам демай савобни кўзлаб
Гиёҳсиз маконда дарахт ўстирмоқ...

Бахши савоб таърифинда айтаберибди, айтаберибди, пешонасига қалқиган терни артиш учун бир дам нафас ростлабди, тағин талаб тушибди:

— Айтинг-чи, гуноҳ нима?

Гуноҳ — оқни кўриб қора демаклик.
Гуноҳ — тўғри қолиб эгри юрмоқлик.
Гуноҳ — ўз уйида хасми ўлтириб
Бировнинг хасмига кўз олайтмоқлик.
Гуноҳ — ростни қўйиб ёлғон айтмоқлик,
Гуноҳ — яхшиликка ёмонлик этмоқ.
Гуноҳ — ҳалол қолиб ҳаром пойига
Қад букиб, саждага бошингни эгмоқ...

Йигитларнинг завқи-иштиёқи ортибди, уларнинг кўнглида истари хўб, саволлари кўп экан, мардлар бахшини тиндиришмабди:

— Яхши ва ёмондан нима қолади?

Доноларнинг сўзи бор: «Яхшидан боғ қолади»,
Падар қадрига етган қобил зурёд қолади.
Аммо зинҳор унутманг ёд этинг бу сўзимни
Бадкордан ўз номига кетмас иснод қолади.

Айтинг бахши ота, нима қулдиради?

Дўстнинг бахти кулдирар,
Яхшининг тахти кулдирар.
Ўз сўзида топилган
Ёрнинг аҳди кулдирар...

— Нима йиғлатади?

Зурёдсиз уй йиғлатади,
Бевақт ўлим йиғлатади,
Яхшиларнинг устидан
Кулган ёмон йиғлатади...

Меники ҳам бир эшитмишда, хуллас бахши савоб ва гуноҳ, яхши ва ёмон таърифинда кўп айтибди, кўп айтса-да, хўб айтибди, мен бир кичик порасин сизга айтдим.

Бахшининг кўнгли юрт кунларининг безаги, элнинг яхши-ёмони эса унинг айтар сўзи бўларкан, шу боис бахши кўп кезар, одамлар ила суҳбат тутинар, сулув сўзларни териб терганини бежаб тағин ўзларига қайтараркан. Кунлардан бир кун ул йигитлар бахшидан гина қилишибди:

— Дунёда сиз айтмаган сўз қолмади, тилингиз таърифдан толмади, аммо бизнинг шаънимизга бир нарса демадингиз, йигитларга аталган сўзингиз йўқмудур?

Бахши ўз номи билан бахши бўлур, ҳозиржавоблик бахшиликнинг нақши бўлур, йигитларнинг руҳини туширмай, дилдаги ўтли сўзимни сўндирмай дебди, мана у нималарни айтган экан:

Йигитнинг айтарли ўз сўзи бўлсин,
Меҳмонга тутарли нон-тузи бўлсин,
Айри қараш кимга шон келтирибди,
Яхши ҳам ёмонга ҳақ кўзи бўлсин!

Эгилган бошларни кесар қилич ҳам,
Йигитни синдирар бадфеъл қилиқ, ғам,
Дилқора бўлмасин ҳеч бир оғир дам,
Кўнглини очарли дўст-ёри бўлсин.

Зурёд-ла тутилар ҳар кимнинг номи,
Суянчиғи бўлар ҳар нечук дами,
Йиқадур фарзанднинг номақбул шаъни,
Эътиборин тутар дастёри бўлсин.

Ёмон эр қавмига келтиради дод,
Хотиннинг ёмони бор элга иснод,
Гар кўнгли чекмасин дер эсанг фарёд,
Юрагин англарли бир ёри бўлсин!

«НАВРЎЗДАН — НАВРЎЗГАЧА» ТАНЛОВИГА

Тупроқдан яралмиш одамзод насли,
Тупроққа боради умрин сўнг фасли,
Беватан кимсанинг аримас дарди,
Ёдини бедорлик мозори бўлсин!

Жавоб йигитларга ёқиб тушибди, улар баравариga:

— Яшанг бахши, жон булбули ўзингиз,— дейишибди.

Ўттизинчи йиллар қаро таъқиб салтанати элнинг энг сара йигитларини ўз домига тортарди. Ганимлар бахшигада келди.

— Не мақсад кўп хурофот нарсаларни куйлаб юрибсан, — деб зуғумга олдилар уни.

— Эвоҳ, элнинг минг йиллик дурдоналари хурофот бўлса, энди мен нимани куйлайин?

Дили вайрон бахши таъқиб-тазйиқлардан бағри қон бўлиб севар ёрига бу баённи келтирган экан.

Ҳалол қолиб чопса ҳаромнинг оти,
Улусга ҳукм этса макрнинг зоти,
Миш-мишдан булғанса яхшининг оти
Элга элнинг ўз макони тор ўлар.

Банда худоданмас одамдан қўрқса,
Ҳар нокас яхшининг йўлини қирқса,
Рост ёлғон олдида қаддини йиқса,
Элга элнинг ўз макони тор ўлар.

Узатган еримга етмаса қўлим,
Ҳақ сўзнинг галида тўхтаса тилим.
Ёвга ўйин бўлса юрт узра ўлим
Элга элнинг ўз макони тор ўлар.

Югрик умр, бахши ўшанда ўзбекнинг ўзига бек бўларини орзулаган бўлса не тонг.

Умр дарё, бир сари сувдек оқар, ортга қайтарни билмас. Дарёдек куйлаб ўтган бахши — ўлим тўшагида ҳаёти поёнига етаётган маҳал ҳам айтар сўзини дилдан тўкибди:

Эл боласин яхшиси бор, ёмони бор,
Эр йигитнинг дил безаги номусу ор.
Юрт дардидан кимнинг қалби урса бедор
Кўл тутишинг, қўл берарда ҳеч адашманг.

Эътиқоду йигит шаънин сотиб бўлмас,
Носут, Лоҳут бир қадамдир, қочиб бўлмас,
Фано — манзил, ҳақ дунёга кетармиз бас,
Яхши-ёмон бетга айтинг, издан айтманг!

Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор, мен биламан,
Роҳат топмоқ осон эмас ҳақ изласанг,
Яхшиларин қўлламаган халқ — оломон,
Кўп ичида ёлғиз қолиб, ҳалол яшанг.

Бахши фанодан бақога рихлат қилибди, айтимлари эса йигитлар кўнглига шижоат солиб, бори гуноҳ ишларни шу суврат рад этиб кетибди.

Абдунаби АБДИЕВ,
«Ижодкор ўқитувчи» нишондори

Илм ва ғаройиб ҳодисалар

ОДАМЗОДНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Таъқиқланган археология ҳам бўлиши мумкинми?

Маълум бўлишича, мумкин экан. Агар археологик топилмалар ер куррасининг тараққиёти ҳақидаги тарихчилар томонидан тасдиқланган йилномаларга киритилмаса, улар эътиборсиз қолиб кетади ёки бўлмаса музейларнинг заҳираларида чанг босиб ётаверади.

Бордию, геологик қатламлардаги ёши ўнлаб, ҳатто юзлаб миллион йиллар билан ўлчанадиган фавқулодда топилмаларга жиддий эътибор бериладиган бўлса, унда инсоният тарихини бутунлай қайта бошдан кўриб чиқишга тўғри келади. Далилларга киришайлик, ернинг жуда қадим ёшдаги ҳудудлари қатламларидан, олимларнинг тасаввури буйича, одам у ёқда турсин, ҳатто маймунлар ҳам яшаши мумкин бўлмаган замонлардан хотира – тошга айланган одам излари топилди.

Худди шундай ҳайратомуз ҳодисага олимлар 1927 йилда Невада штатида дуч келган эдилар. У 160-195 миллион йиллар илгари тошга айланган ботинка изи эди. Унда чарм тагидаги чизиқлар аниқ билиниб турарди. Энг қизиғи, бу энг қадимий пойабзал изининг биринчиси эмасди. Тошга айланган буюмларни тўпловчи Уилям Мейстер бир бўлак қумтошни синдирганда туфлининг тошга айланган изини кашф этган эди. Бу изнинг ёшини 500 миллион йил деб топишди. Бунчалар кўҳналик ҳеч қандай ишончсизлик туғдирмайди. Чунки денгизнинг саёз соҳилида тентираб юрган номаълум одамнинг оёқ остида эзилган триболит қолдиғи қотиб қолган. Қизиқ томони шундаки, туфли ўнг оёқники бўлиб, изда ўша туфлининг пошнаси сийқаланиб кетганлиги ҳам билиниб турарди. Тошга айланган баъзи бир одам излари, айниқса динозаврлар излари билан ёнма-ён турганлиги баъзи олимларни довдиратиб қўйди... Тошга айланган 100-150 миллион йиллик одам излари нафақат Америка ва Африкада, Туркманистонда ҳам топилди. Ҳар нарсадан шубҳаланиб юрувчи олимлар бу изларни қандай баҳолашлари мумкин? Бировлар бу изларни ҳиндлар усталик билан тошга ўйганлар деса, бошқалари бу излар қадим даврларда яшаган улкан бақаларнинг излари дейди... Лекин шуни қайд этиш керакки, тошга айланган оёқ кийими изини ўрганган айрим олимлар бу изларнинг ёши 200 миллион йил ва улар ҳақиқий эканлигини ҳам эътироф этишади. Албатта, агар фақат фавқулодда оёқ изларигина сақланиб қолганда эди, қадим даврларда оёғи одамникига ўхшайдиган улкан қурбақалар яшаган ва баъзи хилма-хиллик учун улар оёқларига пойабзал ҳам кийганлар деса бўларди. Бироқ, муҳрланиб қолган излардан ташқари яна шундай ашёвий далиллар борки, биздан илгариги анча қадим замонларда динозаврлар билан ёнма-ён қадимий маданият ҳам бўлган ва у аллақандай ер юзи миқёсидаги ҳалокат ва вайронагарчилик натижасида йўқ бўлиб кетган деган хулосага олиб келади. Мишел Кремо ва Ричард Томсенлар ўзларининг «Таъқиқланган археология» деган китобларини ана шундай ноёб топилмаларга бағишлаганлар.

Шу нарсани қайд қилиш керакки, баъзи бир тадқиқотчилар фавқулодда топилмаларни самовий келгиндиларнинг палеолит даври сафарлари билан боғлайдилар. Лекин коинотдаги бошқа сайёрадан келган зотнинг тилла занжир ёки темир михни йўқотиб қўйишига асло ақл бовар қилмайди. Ер юзида баъзи конларда тошкўмир ичидан металл михлар кўп топилган, бундай топилмалар бошқа тоғ жинслари ичидан ҳам чиққан. Чунончи, XYI асрда Перудаги кумуш кони жинслари орасидан чиққан 18 сантиметрли михни Перунинг вице қироли Франциско де Толедо ўз меҳмонларига бир осори атиқа сифатида намойиш қилар экан. Олимлар бу ғалати ашёлар ҳақида жиддий ўйлаб кўрмасдан ҳамон енгил-елпи хулоса чиқармоқдалар, уларни фақат ғаройиб табиат ўйинлари шов-шувни ёқтирувчи ҳаваскорлар учун сунъий далолатлар дея баҳоламоқдалар. Бу хилдаги тушунтиришларни тушуниш мумкин, лекин тушунтирилиши қийин бўлган топилмалар ҳам йўқ эмас...

1952 йилда Массачусетеда кон ишчилари портлаш давриде икки бўлакка бўлиниб кетган қўнғироқ шаклидаги кўзани кўриб қолишди. Унинг сиртида ўйма нақшли безаклар бор эди. Портлашгача бу кўзача ҳақиқатда ҳам тоғ жинслари орасида ётган эди. 1869 йилда Невада далаларидан 5 см узунликдаги ҳақиқий металлдан ясалган винт чиқди. 1991 йилда Америкалик Калп исмли аёл йирик кўмир бўлгини иккига бўлганда, бўлаклар орасини бирлаштириб турган олтин занжир чиққан. Бу олтин занжир кўмир ичида юзлаб миллион йиллар ётган. Буни ҳазил ёки ўйин деб бўлмайди. Бунинг устига, занжирнинг вазни қарий 200 грамм келарди. 1991 йилда ишчилар Ботсванада йўл қурилишида ишлаётганларида бир метр узунликдаги кит овлашда ишлатиладиган гарпунга ўхшовчи ғалати нарсани топиб олдилар. Таҳқиқ қилиб кўрган олимлар бу антиқа нарса ясалган қотишмалар таркибини аниқлай олмадилар. Тоғ ва бошқа табиат жинслари қатламларидан ёши юз миллионлаб йилларни ташкил этадиган михлар, болтлар, нозик занжирлар кўплаб бошқа нарсалар, шу жумладан, аёл кишининг сопол ҳайкалчаси топилган. Балки булар ўзга сайёраликларнинг изидир? Биз бирданига йўқ деб айтамиз. Самовий меҳмонлар учун булар жуда оддий нарсалардир. Бунинг устига улар ерга хос бўлган топилмалардир. Ҳатто, анча-мунча йирик нарсалар ҳам йўқ эмас. 1788 йилда Францияда конлардан бирида оҳактош қатламлари орасидан устунлар ва йўнилган тош бўлаклари, 1928 йилда Оклахомадаги кўмир шахталарининг биридан куб шаклидаги бетон блоклар ва улардан тикланган девор парчалари топилган эди. Бу қурилманинг ёши 280 миллион йил...Галапагос оролларининг саёз жойларидан ғаввослар 4 метрлик шишасимон ярим шаффоф материалдан қилинган устунлар топишди, улардан бирига тўғри бурчакли учбурчак шаклида тамға босилган эди. Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги замон фани учун номаълум бу материални кесишга олмос пармалар ҳам ожизлик қилиб қолди.

Бу топилмалар ҳақида олимлар нима дейишмоқда? Тўғрисини айтганда, ҳеч нима! Ёки улар жавоб бергилари келмайди, ёки сохта деб ўйлайдилар ва ёки бўлмаса «табиат ўйини»га тўнкайдилар.

Шунинг учун фавқулодда топилмалар фаразларга парво қилмайдиган ҳаваскорларга сотилади. Бу ўринда самовий келгиндилар ҳам, ақлли мавжудотлар ва албатта ерда бундан миллион йиллар илгари барча жабҳаларда тараққий топган юксак маданият ҳам бўлиши мумкин, деган тахминлар йўқ эмас. Нега энди шундай бўлиши мумкин эмас?

Ҳеч бўлмаганда яқиндагина Туркия ва Тайванда юз берган зилзилани олинг. Табиий ҳодисаларнинг нималарга қодирлиги олдида булар ҳали ҳеч нарса эмас.

Кўпгина халқларда ер куррасининг қадимги даврларда даҳшатли ҳалокатларга учраганлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Ҳақиқатда ҳам машҳур тошлар фандаги консерваторлар айтганидек, қалбаки бўлмасдан, балки, бундан миллионлаб йиллар олдинги тараққиёт ҳалокатидан омон қолган ёдгорликлардир. Ахир бу қадимий япасқи тошларда ақл бовар қилмас тасвирлар ўйиб ёзилган: одамлар ва динозаврлар, телескоп орқали юлдузли осмонни тадқиқ қилаётган мунажжимлар ва ҳатто юракни кўчириб ўтказиш буйича операциялар. Перудан топилган минглаб тошлар, доктор Кабреранинг фикрича, бундан миллионлаб йиллар олдин шафқатсиз табиий офат туфайли йўқ бўлиб кетган юксак тараққий этган маданий ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади.



Тарихчилар қачон бўлмасин, ер куррасида бундан миллионлаб йиллар олдин юксак даражадаги тараққиёт мавжуд бўлганлигини тан олишармикан? Бу саволга жавоб бериш қийин. XIX асрларнинг охирларида ер қатламидан бундан 4 миллион йил олдин яшаган одамнинг қолдиқлари топилганда эътиборсиз қолиб кетганлигини ўйласангиз сесканиб кетасиз. Ҳозирги ҳукмрон фикр худди шавқатсиз зўравон каби исбот қилиш қийин бўлган ҳодисаларни тан олгиси келмайди.

Хориж материаллари асосида Х. МАҚСАДҚУЛОВ тайёрлади

БАҲОР ТАҚВИМИ

Мелодий 2000-йил март ойининг 21 кунидан шамсий ҳижрийнинг 1379-нчи янги баҳори ва янги йили бошланади. Бу кун Ҳамал ойининг биринчи куни бўлиб, «Наврўз», яъни янги кун деб аталади. Баҳор ойлари Ҳамал, Савр ва Жавзодир. Буларнинг эронча номи Фарвардин, Ўрдубеҳишт ва Хўрдоддир. Туркияда Март ўзгаришсиз «Март», Апрел «Нийсон», Май «Майис», Июн «Ҳазирон» деб аталади. Тақвимда Март «м», Апрел «а», Май «мй», Июн «и» деб берилади.

Ҳамал

Шанба		5-25 м	12-1 а	19-8 а	26-15 а
Якшанба		6-26 м	13-2 а	20-9 а	27-16 а
Душанба		7-27 м	14-3 а	21-10 а	28-17 а
Сешанба	1-21 м	8-28 м	15-4 а	22-11 а	29-18 а
Чоршанба	2-22 м	9-29 м	16-5 а	23-12 а	30-19 а
Пайшанба	3-23 м	10-30 м	17-6 а	24-13 а	31-20 а
Жума	4-24 м	11-31 м	18-7 а	25-14 а	

Савр

Шанба	2-22 а	8-29 а	16-6 мй	23-13 мй	30-20 мй
Якшанба	3-23 а	10-30 а	17-7 мй	24-14 мй	31-21 мй
Душанба	4-24 а	11-1 мй	18-8 мй	25-15 мй	
Сешанба	5-25 а	12-2 мй	19-9 мй	26-16 мй	
Чоршанба	6-26 а	13-3 мй	20-10 мй	27-17 мй	
Пайшанба	7-27 а	14-4 мй	21-11 мй	28-18 мй	
Жума	1-21 а	8-28 а	15-5 мй	22-12 мй	29-19 мй

Жавзо

Шанба		6-27 мй	13-3 и	20-10 и	27-17 и
Якшанба		7-28 мй	14-4 и	21-11 и	28-18 и
Душанба	1-22 мй	8-29 мй	15-5 и	22-12 и	29-19 и
Сешанба	2-23 мй	9-30 мй	16-6 и	23-13 и	30-20 и
Чоршанба	3-24 мй	10-31 мй	17-7 и	24-14 и	31-21 и
Пайшанба	4-25 мй	11-1 и	18-8 и	25-15 и	
Жума	5-26 мй	12-2 и	19-9 и	26-16 и	

Баҳор келгунча тўқсон тушиб, тўқсон чиқади. Орада чилла кириб, чилла чиқади. «Тўқсон»дан мурод тўқсон кунлик қиш бўлиб, қиш кузнинг охирги ойи— Қавснинг охирги тунидан бошланади ва шунда «тўқсон тушди» дейилади. Қишнинг охирги ойи— Ҳутнинг охирги тунида тўқсон чиқади. Чилла тўқсоннинг ўртасидаги қирқ кундир. Чилла Жадйнинг ўн бирида кириб, Далвнинг йигирма бирида чиқади. Чилланинг йигирмасидан йигирма бирига ўтилганда «қантар оғди» дейилади. Шу пайтда қишки уйқудаги айиқ бир ёнбошидан иккинчи ёнбошига айланади, деган нақл бор.

Алийбег РУСТАМИЙ

БИР СУРГУННИНГ ЁДГОРИ

Ўзбекистонимиз шунақа бир диёрки, ҳар қандай инсон ғурур билан Ўзбекистонликман деса арзийди. Бунда ҳамма нарса муҳайё, бундай серқуёш ўлка ҳеч қаерда йўқ. Якинда Австралиядан келган бир ўзбек билан учрашдим. 30-йиллар отаси қулоқ бўлиб, етти ойлик болани телпакка солиб, Уйғуристон томон йўл олган экан. Тақдирни қарангки, у ерда ҳам моши очилмай Австралияга бориб қолибдию, у ерда ишлари юришиб, ўзига яраша дов-давлат орттирибди. Аммо, бир зум юртини унутмаган. Уз она тупроғимда кўзим юмилсин, деб орзу қиларкан. Ниҳоят, орзуси ушалиб ватан тупроғига узоқ йиллардан сўнг қадам қўйганди. «Ана энди ўлсам армоним йўқ. Элатларим тобутимни кўтариб боради», деб айтган экан. Юртнинг меҳригиёси шунчалар кучли!

Президентимиз Туркияга қилган бир сафарида у ердаги қардошлар Ислом Каримовнинг этакларидан ўпиб, сизлар бизларнинг ота-боболаримизсиз, дегани ҳамон эсимда. Чиндан бу тупроқни унутиб бўладими! Кипрда бўлган чоғимда шу ерда туғилиб, шу ерда таълим олган ҳозирда машҳур артист Моника исмли гўзал аёл мендан Ўзбекистоннинг бир сиқим тупроғини илтимос қилган ва мен бунинг уддасидан чиққан эдим. Зокиржон Фурқат Еркентда хаста чоғида бир хатида шундай деган экан:

Ғамингдин кеча тонг отгунча йиғлар,
Дағи кун боткунча йиғлар...

Ҳар бир инсон ўз киндик қони тўкилган ерда ўсиб, униб, тарбия топиб, вояга етса, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлса, яхшилар қуршовида бўлиб ниятлари амалга ошса, у ерга меҳр-муҳаббати ҳеч қачон сўнмас экан. Ватан туйғуси шу экан ва у ҳаётдан кўз юмгунча кўнгилда қоларкан. Бизнинг Ўзбекистонимиз кўп миллатларга ватан бўлди. Мен Ўзбекистонда туғилиб ижод қилган ва рассомлик санъатини намоён этган дустимиз Георгий Брим ҳақида ҳикоя қилиб ўтмоқчиман. Театр рассоми Георгий Бримнинг отаси Роберт Бримнинг айтишига қараганда, Волга бўйи немислари уруш олдидан оммавий суратда кўчирилганда Бримларни ҳам тўппа-тўғри Туркманистон чўлларига олиб бориб ташлашган. У ерда қаттиқ назорат остида уларнинг бир қисми Ўзбекистон ерларига тақсим қилинганлар. Роберт амаки (биз уни шундай, «Роберт амаки» деб атардик) оиласи билан юкини орқалаб қишлоқма-қишлоқ кезиб Чиноз атрофига келиб жойлашган экан. У ерда кўп йиллар Сарви хола хонадонининг ташқари ҳовлисида кун кечирганлар. Роберт амаки тил ўрганишга ниҳоятда моҳир бўлганидан ўзбек, қозоқ, тожик тилларини ўрганган эди. У шарқ адабиётини яхши билар, мумтоз шеърларни ёддан ўқир, ўзбек маданиятини ниҳоятда ҳурмат қилар эди. Роберт амаки оиласи билан сарсон-саргардонликда юрганида икки боласидан жудо бўлган, Георгий эса Чинозда туғилган эди. Роберт амаки уғлига Георгий деб исм қўйган эса-да, Сарви холалар олдинги болалари қазо қилганини эшитганиданми, ҳар қалай, уни Турғун деб чақиришар: ўлмай катта бўлиб юрсин деб яхши ният қилишарди. Сарви хола Турғунга ўз болаларидан ҳам зиёда муҳаббат билан қарарди. Роберт амакининг оиласини бир ёқда мусофирчилик, иккинчи томондан эса улар деҳқончилик ва айниқса одамийликда ўзбекларга ниҳоятда яқин бўлганликларидан қишлоқдагиларнинг ҳаммаси ҳурмат қилишарди. Георгий кўп вақтини Сарви хола атрофида ўтказар, хола уни тандирдан янги узилган иссиқ кулчалар билан сийлаб эркалатарди. Шундай қилиб Георгий икки оиланинг тарбиясида ўсди. Сарви хола Турғунга ўзбек урф-одатларини ўргатди. Эртаклар, ҳикоялар айтиб берарди.

Роберт амаки ўғли Георгийнинг ўзбекларнинг яхши одатларини билиб ўсаётганидан хурсанд бўлар эди. Ўзбекистонга келиб бу халқнинг меҳр-муҳаббати, одамийлигидан баҳраманд бўлганидан ниҳоятда мамнун эди... Роберт амаки ўғлини ёнига олиб боғида Ўзбекистоннинг барча мевали дарахтларини ўстириб, қуни-қушнилардан тортиб ҳамқишлоқларгача, ҳатто бошқа туманлардаги таниш-билишларга ҳам ўзи етиштирган мева кўчатларини тарқатар эди. Георгий бўлса, отаси ёнида юриб бу ўлка фасларининг манзараларини чизишни ёқтирар, келгусида рассом бўлишни қунглига тугиб қўйган эди. Роберт амаки боладаги бу иштиёқни сезиб, уни Ашхободдаги рассомлар мактабига олиб борди. Георгий уч йил у ерда таълим олди.

Бу орада Ота ҳаётдан кўз юмди. Дунё тасодифларга тўла. Буни қарангки, машҳур ўзбек театр рассоми Ҳамидулла Икромов Ашхободда бўлган театр рассомлари кўргазмасида Георгий Бримнинг кичик бир театр рангтасвир ишини кўриб, уни Тошкент санъат олийгоҳига таклиф этди. Георгий Брим Ҳамидулла Икромов билан ўша куниёқ йўлга тушди. У устознинг маслаҳатига кура, ҳам Тошкент рассомлик олийгоҳида ўқиди, ҳам Ҳамза театридаги Ҳамидулла Икромов устахонасида ишлади. Шундан бошлаб у кўп йиллар шу театрда ижод қилди. Моҳир театр рассоми бўлиб етишди. Унинг моҳирлиги шунда эдики, у асар моҳиятини, режиссёр фикрини теран тушуниб, актёрлар ижросига мослаб, томошабинга саҳнадаги воқеани рангтасвир воситасида бўрттириб етказарди. Томошабин унинг ранг-тасвир ишидаги кўринишлар орқали асар ичига беихтиёр кириб боради. Академик театрда қўйилиб довруқ қозонган «Менинг Бухором», «Ибн Сино» спектаклларини, Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони»га яратган саҳна безаклари ёркин ифодавийлиги билан эътибор қозонди. Георгий Брим театрда истеъдодли ўзбек режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан яқин ижодий ҳамкорлик қилди. Брим Баҳодирга кўпинча «Сен лой қориб бер, мен сенга кўза ясаб бераман» дер экан. Дарҳақиқат, бу икки ижодкор бир-бирига узукка кўз қўйгандек ярашар эди. Улар биринчи бор Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» спектаклини саҳнадан очиқ майдонга олиб чиқишди. Аслида бу ўзбек театр анъаналарининг ижодий давоми эди. Кўрингки, бу спектакл халқ сайлига айланиб кетди. Уларнинг сўнгги спектакларидан бири буюк Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони асосида «Искандар» деб аталиб, унда улуғ мутафаккирнинг фалсафий фикр дунёси курсатилди. Умуман айтганда, рассом Георгий Брим театр саҳна безаги санъатини чуққига олиб чиқди, деса бўлади. Санъатимиз учун зўр ижодий мерос қолдирди. Бой истеъдодининг кўпини халқимизга атади, лаёқатли шогирдлар етиштирди. Ёш рассомларга таълим берди. Унинг таълимини олган Зубайдулло Ботиров, Шуҳрат Абдумаликов, Даврон Ражабов, Бахтиёр Тураев ҳозир республикамиздаги энг катта театр жамоаларида муваффақият билан ишлаяптилар. Дарҳақиқат, машҳур рассом Ҳамидулла Икромов бизга Бримни, Брим эса бизга Бахтиёр Тураевни ҳадя этиб кетди, деб фахрланиб айта оламиз.

...Темир панжарали давлат қулаб Ўзбекистон миллий мустақилликка чиқиб дунёнинг ҳамма мамлакатларига йўл очилди.

... Георгий Бримнинг онаси аждодлар диёри Германияни соғиниб унга талпиниб, уёққа йўл олди. Орадан кўп ўтмай, фарзанди Георгий Бримни Германияга етиб келишини илтимос қилди. Аммо Брим бунга сира рози бўлмади. Йиллар ўтиб бу ҳақда ўйламай қўйди. Аммо унга сўнгги марта она ўсал бўлиб ўлим тўшагида ётгани ҳақида хабар келганда ноиложликдан сафарга отланди.

Ҳаво паймо осмонга кўтарилиши билан юраги ғамга тўлди, тушаётганда эса юрагининг бир чеккаси узилгандек бўлди. Она ўғли дийдорини кўрганлигидан ниҳоятда хурсанд бўлади ва тетиклашади. Георгийнинг ичи эса ёримас, гўё қоронғуликка чўмгандай руҳи эзгин эди. Худди ичиккан боладай касал бўлиб ётиб қолди. Кундан-кун аҳволи оғирлашди кўп ўтмай ватан соғинчида ҳаётдан кўз юмди. Қадрдон Баҳодир Йўлдошев Берлинга қараб йўл олди. Бримнинг онаси унга: «Сизлар меҳригиёлик халқсизлар, бир марта тузингизни тотиган одам бир умр сизларни унутолмас экан. Ўғлимни Ўзбекистоннинг гўзал боғлари, зилол сувлари, ширин-шарбат мевалари, тоғу тошлари қуёшой, юлдузлари мафтун этган эди. Сўнгги нафасигача Сизларни эслаб, соғиниб жон берди...»

Ўзбекистонимиз шунчалар меҳригиёли мамлакат...

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
халқ артисти.

Эл кўзидаги кишилар

ИФТИХОР ВА МЕҲР

Машҳур кишилар ҳамиша элнинг назарида туришади. Уларга кимдир ҳавас билан қараса, кимдир ҳасад қилади. Элнинг эътиборида бўлиш эса бир ҳикмат. Унга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Худо ярлақаган зотларгина элнинг назарига тушади, турфа тоифа одамларнинг эътиборини тортади.

Шоир Эркин Воҳидов элимизнинг эътиборида бўлган замонамизнинг машҳур сиймоларидан биридир. Қизиғи шундаки, у кишининг тенгқурлари орасидан турли соҳалар бўйича кўпгина таниқли шахслар етишиб чиққан. Бу ҳам дунёнинг ўзига хос сири бўлса ажаб эмас... Болалиги машъум уруш йилларида кечган авлод орасидан 60–70 йилларга келиб қатор истеъдодлар майдонга чиқди. Машаққатлар улғайтирган бу авлод вакиллари санъат ва адабиётимизга, илм-фанимизнинг турли соҳаларига чинакам янгиланиш руҳини олиб кирдилар.

Эркин Воҳидовлар авлоди деганда кўз олдимда адабиётга оммавий қизиқиш авж олган, адабиёт ва санъат анжуманлари бот-бот ўтказиб турилган, шоирлар билан учрашувлару шеърхонликлардан одамлар олам-олам завқ олган пайтлар намоён бўлади. Шеър, шеър ҳақидаги сўз ғоят эътиборда бўлгач йиллар хаёлимдан ўтади. «Эркин Воҳид, Абдулла Ориф шеърлари авж жаранглаган йиллардан хабардор кишилар шеърдан, шоир сўзидан завқ олди, руҳини қувватлантирди. Ҳозирги ёшлар нимадан завқланар экан? Улар қайси шоирнинг ихлосманди экан?» деб ўзимга ўзим савол бераман. Бу хусусда ҳар қанча ўйламайин, кўнглим тўладиган, дилимга таскин бера оладиган жавоб топа олмайман. «Ёшлардан кексалар ҳамиша қаноатланмайди. Улардан ҳамиша норози бўлади. Азалдан шундай. Биз ҳам ёш эдик. Ушанда кексалар бизга, бизга ҳам ишончсиз қарашар эди. Биз ҳам шунда. Ёшларга ғалатироқ қараймиз. Улар биздай эмаслигини, бошқачалигини кўп-да сингдиролмаймиз» дея яна ўзимча фикрга чўмаман.

Адабиётшунос Раҳматулла Иноғомовнинг «Шоирлик қисмати» (Тошкент, «Университет», 1999. – 116 бет.) китобини ўқиётиб ўтган йиллар, ҳозирги кунлар ҳақида ўйланиб қолдим. Шунчалар ўзгариш юз беribдики, дунёқарашимизда, мамлакатимизда бунчалар янгиланишлар бўлишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Рост, хаёлга келмаган улуғвор ўзгаришлар содир бўлди. Уларни ҳамма кўриб, баҳра олиб турибди. Жиддий ўзгаришлар кечаётган ҳозирги даврда ҳамманинг маънавият қудратини янада чуқурроқ ҳис қилиши, унга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёжманд бўлиши ҳам аён бўлиб турибди. Элнинг эътиборидаги машҳур сиймолар ҳаёти, фаолиятидан яқиндан хабардор бўлиш ҳам маънавий эҳтиёжни қондирадиган воситалардан бири саналади. «Шоирлик қисмати»ни шу маънода айни пайтда битилган китоб дейиш мумкин. Чунки бу китобда Эркин Воҳидовнинг шахсий ҳаёти, айрим асарларининг яратилиши ҳақида биз билмаган, ҳамма учун қизиқарли, ибратли гаплар маълум қилинади. «Пушкин, Балзак, Байрон, Толстой сингари буюк ёзувчилар ҳаётининг деярли ҳар бир куни, қарийб барча асарларининг яратилиш тарихи ўрганилган. Узбек адабиётида бу соҳа ҳамон очилмаган қўриқ. Ҳолбуки, бундай асарлар эл назарига тушган ижодкорларни янада яқинроқ билишга, улар ҳаётда қандай одам, бошқалардан қандай хусусиятлари билан ажралиб туради деган саволаргга жавоб топишга ёрдам беради. Ёзувчи ижоди ўқувчини қанчалик қизиқтирса, унинг шахсий ҳаёти, муҳити, асарларининг ёзилиш тарихини билиш ҳам шунчалик мароқлидир», дейилади китобда. Бу – рост гап. Бизнинг бироз ялқовликка мойиллигимиз кўп нарсаларни, жумладан, машҳур адибларимиз ҳаёти, ижодини Европада аллақачон урф бўлган тарзда ўрганишимизга ҳалақит беради. Ваҳоланки, бу дунёда ҳеч ким абадий яшамайди. Шундай экан, элнинг ардоқли олим, санъаткор, шоир, ёзувчилари ҳаёти, ижодини астойдил, атрофлича ўрганиш лозим. Бу ҳам қадрлаш, эъзозлашнинг ўзига хос кўриниши саналади.

Раҳматулла Иноғомов китобида Эркин Воҳидов ҳаёти, ижодининг ўқувчиларга номаълум жиҳатларини баён этишга ҳаракат қилганки, уларда ибрат олса арзигулик анча-мунча гаплар бор.

Китобдан, аввало, ҳаёт ҳеч кимни, жумладан, машҳур сиймоларни ҳам фақат асал билан сийламаслиги, улар ҳам тақдирнинг аччиқ заққумларини тотиб яшашга маҳкум қилингани англашилади. Фарғоналик Чўянбой Воҳидов ва тошкентлик Розияхон Саҳибоева оиласида дунёга келган Эркин Воҳидовнинг болалик қисмати шу хусусда ўйлантиради. «Талабалик йиллари», «Водий сафари», «Ҳа, лой, ҳа, гувала!», «Эркиннинг уйланиши баҳонасида» бобларида машҳур шоирнинг барчамиз қатори бир одам сифатидаги ҳолати мароқ билан ҳикоя қилинади. Албатта, муаллиф китобида кўпроқ Эркин Воҳидовнинг шоир сифатида шаклланиши, у улғайган оилавий, адабий муҳит ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилади. Шунинг учун у «Жажжи шеърнинг узун тарихи», «Узбегимнинг дунёга келиши ва изтироблари» бобларида адабиётшуносга хос синчковлик билан мулоҳаза юритишга интилади. «Шахмат ўйинидаги шоирлик», «Гўзал мутойибалар ва зукколик», «Ифтихор», «Жиянларга аталган шеърлар» бобларида эса муаллиф ўзининг машҳур шоир билан яқинлиги, қадрдонлиги меҳр ва самимият билан баён этади.

Умуман, чин самимият билан битилган «Шоирлик қисмати»да барчани таъсирлантирадиган, кўпчиликка ибрат бўлиши мумкин бўлган мулоҳазалар илгари сурилади.

Шоирнинг ҳаёт йўли, шеър машаққатлари ҳақидаги ушбу китоб «Ифтихор» деб номлаган боб билан якунланади. Мазкур сарлавҳа чуқур рамзий маънога эга. Бу маънони ҳар ким ўзича шарҳлаши, тушуниши мумкин. Бироқ, шуниси аёнки, ундан ҳар бир ўқувчи, аввало, муаллифнинг ўз дўсти билан фахрланишини аён ҳис қилади. Оллоҳ шеър битиш иқтидори билан сийлаган, эл аро машҳур бўлишга муяссар этган инсон билан дўст, биродар бўлишдан ҳамма ҳам албатта ифтихор қилади. Яратганнинг берган бу тансиқ неъматига дил-дилидан шукрона билдиради.

Ажойиб адабиётшунос, моҳир таржимон Раҳматулла Иноғомовнинг эл эътиборини қозонган шахслар ҳақида самимият билан сўз юритиши унинг Турон заминида яшаб ўтган табаррук зотлар ҳақидаги «Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари» (1995) китобидаёқ аён бўлган эди. Бизнингча, муаллиф шу китобини «Муҳаммад пайғамбарнинг Турон заминидаги авлодлари» деб номлаганида мақсадга мувофиқроқ бўлармиди... Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассаллам араб эдилар. Бироқ бундан қатъи назар, Оллоҳнинг алоҳида марҳаматига сазовор зотлар туғрисида элимизга атрофлича маълумотлар тақдим қилинганининг ўзи ғоят табаррук иш бўлган.

Машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов ҳаёти, шахси ҳақида кўпчилик билмайдиган маълумотларни меҳр билан битгани Раҳматулла Иноғомовнинг яна бир таҳсинга сазовор иши булибди. Чунки «Шоирлик қисмати»даги мулоҳазалар элимизнинг ардоқли шоири, унинг яқинлари билан таништириши баробарида, бизни одамгарчилик, меҳр-оқибат ҳақида хаёлга чўмдиради. Дўстларимиз, биродарларимиз, улар билан муносабатимиз ҳақида ўйлатади. Китобнинг қиммати аввало унинг ана шу хислати билан белгиланади.

Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
профессор.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Иброҳим АБДУҒАНИЕВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ, Наврўз ЖЎРАЕВ (иқтисодий ишлар бўйича масъул)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 216.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 21.00

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси – 32. Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.